

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Поёнинг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 53—54 (2694—2695)
1994 йил, 15 июль

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
30 тийин.

Бу ҳақда Вазирлар
Маҳкамасида айтилганди

ПОЙТАХТ БОЗОРЛАРИДА ТАРТИБ БЎЛСИН

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ички ишлар идоралари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг кўрсатмасини бажара бориб, шаҳар бозорларида жамоат тартибини таъминлаш ва савдо соҳасидаги суиистеъмолчиликларга қарши курашга доир қўшимча тадбирларни амалга оширмоқда.

Шаҳарнинг барча туманларида деҳқонларнинг шаҳар бозорларида бир маромда савдо қилишига хавф тугдирувчи шахсларни аниқлаш учун махсус тезкор-қидирув гуруҳлари тузилди, шаҳар ДАН бўлинмалари Тошкент бозорлари ва ярмаркаларига юбориладиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ортлган машиналарнинг бемалол келишини таъминламоқдалар.

Тезкор маълумотларга қараганда, икки кун ичида, яъни 3 ва 4 июлда пойтахт милицияси ходимлари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи харид қилиб, қайта сотишнинг 12 факти, яхна ичимликларни ноқонуний сотишларнинг 16 ва вино-ароқни гайриқонуний сотишларнинг 11 факти аниқланган.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини улгуржи харид қилиб, қайта сотиш билан шугулланувчи 45 киши жавобгарликка тортидди, чайқовчилардан жами 55 миллион 41 минг 114 сўм-купон турадиган озиқ-овқат маҳсулоти, шу жумладан 3,5 тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева мусодара қилинди ҳамда давлат савдосига ўтказилди.

Чунончи, "Аттек" кичик корхонаси директорининг ўринбосари Ҳазалкент вино заводига ишлаб чиқарилган "Армуғон" вносининг ҳар бир шишасини 7000 сўм-купондан сотган, ваҳоланки унда ана шу мол учун ҳеч қандай ҳужжат ҳам, спиртли ичимликлар савдоси билан шугулланиш ҳуқуқи ҳам бўлмаган. Мусодара қилинган 1860 шиша вино давлат савдосига берилди.

Фарғона вилоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Турдиматов Олой бозорида 242 килограмм шафтолини улгуржи сотиб олган ва уни Новосибирск шаҳрига олиб бориб пуллашга уринган.

Тожибоева деган аёл Эскижўва бозорида ҳар килограммга 7000 сўм-купон тўлаб, 125 килограмм булғор қалампирини сотиб олган ва шу ернинг ўзида уни 10000 сўм-купондан қайтадан сотган, бундан у 375000 сўм-купон фойда олмоқчи бўлган.

Милиция ходимлари шаҳарнинг бошқа бозорларида ҳам шунга ўхшаш фактларни аниқладилар. Айрим фуқароларнинг лавозимдор шахсларга нисбатан гайриҳуқуқий фаолияти ҳусусидаги материаллар солиқ инспекциясига топширилди.

Қўйлик бозорида Миробод тумани ИИБ жиноят-қидирув ходимлари томонидан икки тамағир далил билан ушланди, улар деҳқонлар сотиш учун бозорга олиб келган етти қути гилос ва бир қути ўрикни эгаллаб олишган эди. Ушланганлардан бири — "Тошшаҳарйўловчиганс" ассоциацияси 2-автокомбинатининг ҳайдовчиси шериги билан бирга кечаси соат 3 да 16-маршрутда қатнайдиغان автобусда бозорга келган ва давлат машинасидан тамағирлик йўли билан ундирган маҳсулотларни ташиш учун фойдаланишга уринган. Ушбу факт бўйича жиноий иш қўзғатилди, тергов давом этмоқда.

Савдодаги суиистеъмолчиликларга қарши курашга доир тадбирлар давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи.

ЧАЙҚОВЧИЛАР ҲОЙИБ БЎЛДИ

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишнинг эртаси куни барвақт Бўстонлик тумани Ички ишлар бўлимининг бутун шахсий таркиби йиғилди. Ходимларга Президентимиз қўйган талаблар, бозор ва дўконлардаги аҳвол тушунтирилди. Эрталаб соат еттида ялпи рейд бошланди. Чайқовчилик қилиб маҳсулотлар нархини сунъий равишда кўтараятган шахслар аниқланиб, 23 та далолатнома тузилди ва чора қўриш учун юборилди.

Бозорларнинг санитария ҳолатлари, савдо қонун-қоидаларига риоя қилиш текширилди. Тумандаги завод ва фабрикалар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сотилиши устидан назорат кучайтирилди.

Натижада орадан бир кун ўтиб қўлга тушмаган бўлса-да, ўзини чайқовчи ҳисоблаган шахслар бозорлардан ғойиб бўлдилар. Бозорларда тартиб қарор топди. Килоси 12-15 минг сўмлик помидорлар 7, кейин эса 3 минг сўм-купонга тушди. Бошқа маҳсулотлар нархи ҳам камайди.

Ҳозир бозорлар қаттиқ назорат остида.

САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида халқ ҳўжалиги объектлари ва фуқаролар хонадонларини қўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш борасида катта ишларни амалга оширдилар.

Бирлашмада бўлиб ўтган оператив мажлис шу ишлар сарҳисобини қилди. Унда бирлашма бошлиғи, милиция полковниги Х. Р. Убайдуллаев ҳисобот берди.

Ўтган давр мобайнида қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан 902 жиноятнинг олди

олинди. Қўриқланаётган хонадон ва объектлардан 215 ўғирликнинг олди олинди, жиноят устида 267 шахс ушланди. Шунингдек, қўриқлаш ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,5 фоизга кўп шахс ушланди.

Майда талончиликка қарши кураш борасида ҳам мактовга арзигулик ишлар амалга оширилди. Бундай турдаги жиноятни содир этгани учун 11876 киши ушланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,9 фоизга кўп демакдир. Майда талончилардан жами бўлиб 70 миллион сўм-

купонлик моддий-товар бойликлар олинди ва эгаларига қайтарилди.

Оператив мажлисда Бирлашманинг бўлим раҳбарлари ҳам ҳисобот бердилар. Унда, шунингдек, хизматнинг бир қатор муаммолари қайда этиб ўтилди, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Хизмат олдида турган, амалга оширилиши зарур бўлган тадбир аниқланди.

Оператив мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Штаби бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ш. М. Мавлонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Оператив мажлис ҳисобот даврида Бирлашма ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишни қоникарли деб топди.



СУРАТЛИ АХБОРОТ

Ҳуқуқ-тартиботни бузишларнинг олдини олиш ва жиноятларни бартараф этишда Шофиркон тумани ИИБ участка вакили, милиция капитани Музаффар Мустақимов доимо жамоатчиликнинг ҳар томонлама ёрдамига таянади. У хизмат қиладиган ҳудудда 14 минг киши яшайди. Участка вакили жамоатчилик ёрдамида тезкор вазиятни пухта эгаллашга, оилавий-маиший муносабатлар замиридаги жанжаллар ва қишлоқ жойлари учун хос бўлган бошқа хил ҳуқуқ бузишларнинг олдини ўз вақтида олишга эришмоқда. Биргаликдаги ҳаракатлар туфайли милиция участкасида бу йил бирорган ҳам оғир жиноий ҳаракат содир этилмаган.

Суратда: Шофиркон тумани ИИБ участка вакили, милиция капитани Музаффар Мустақимов рейд олдидан дружиначиларга йўл-йўриқ бермоқда.

Е. ЗУЕВ олган сурат.

Кундалик турмушимиз ташвишлари билан банд бўлиб, гоҳида атроф-теваригимизда рўй бераётган воқеаларга унчалик эътибор қилмаймиз. Тошкентдек шаҳри азиямда кунига қанчадан-қанча кутилмаган воқеалар бўлмайди, дейсиз.

Яқинда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Комилжон Ғопуров номига миннатдорчилик мактуби келди. Биз ушбу хатни сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

"Хурматли Комилжон ака!

Мен сизга ўз миннатдорчилигимни қандай изҳор қилишимни ҳам билмайман. Қувонганимдан шодлигим ичимга сиймайди. Ўша кунги воқеани эслаб беихтиёр кўзларимга еш келади. Сиз раҳбарлик қиладиган пойтахт милициясида ўз жонини гаровга қўйиб бўлса-да, ўзгалар ҳаётини қутқарадиган мард ўғлонларнинг борлигини кўриб хурсанд бўлдим.

1994 йил 28 апрель куни эди.

Уйдагиларни ишга, мактаб, боғчага жўнатиб, икки ярим яшарлик набирам Фуркатжон билан уйда қолдик. Шу бор бўлгур анчагина "қулоқсиз"роқ чиқиб қолдик. Бир жойда турмайди. Уни қанчалик зўрлаб уйда олиб ўтирмайин, яна кўчага чиққани-чиққан. Қарилдик панд берди. Бир гал

ташлади. Бир оздан сўнг набирамни қирғоққа олиб чиқиб унга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатди. Худога шукр, Фуркатжон соғ-омон қолди.

Йигит хайрлашиб кетди. Шошганимдан, аниқроғи, безовталигим босилмаганидан унинг қимлигини сўрашни ҳам унутибман. Кейин билсам, у

миннатдорчилик билдирамай. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида жон фидо қиладиган шундай ходимлар жамоаси ва шахсан сизга оғир ва масъулиятли ишларингизда муваффақиятлар ер бўлсин.

Тошкент шаҳар, Қорасув-2 мавзеси, 41-уй, II-хонадон аъзолари номидан Раъно Худойберганова".

Милиция катта лейтенанти Ойбек Мирфайзиев эндигина атак-чечак қиладиган Фуркатжонни кутқариб қолиб, ўз қасамедига содиқлигини кўрсатди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори К. Ғопуровнинг буйруғига асосан Мирзо Улугбек тумани Ички ишлар бошқармаси терговчиси, милиция катта лейтенанти Ойбек Мирфайзиев жасорати учун қимматбаҳо совға ва Фахрий ерлик билан тақдирланди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар
бош бошқармаси матбуот
гуруҳи ходими.



уйдан яна кўчага чиқиб кетди. Хай-ҳайлаб кетидан юргунимча уйимиз олдидан ўтувчи Қорасув каналига етиб олибди. "Эҳтиёт бўл, сувга тушиб кетасан" дейишим билан ўт-ўланларга сирганиб оқар сувга ағнаб кетди. Уни ушлай олмадим. Шундан кейин овозим борича "Ёрдам беринглар!" дея бакирдим. Шу пайт кўприкнинг нариги бетидан бир йигит югуриб келиб, ўзини сувга

Қорасув-2 мавзеси, 2-уйнинг 114-хонадонига истиқомат қиладиган, Мирзо Улугбек тумани Ички ишлар бошқармаси терговчиси, милиция катта лейтенанти Ойбек Мирфайзиев экан. Ойбекжон чин инсонлик фазилатини намоян этди. Ойбекдек мард, кўркмас фарзандни тарбиялаган она-онаси, милиция раҳбарларига оиламиз номидан

Газета шартли равишда "Қорадори-94" деб номланган тадбирнинг бориши тўғрисида ўз ўқувчиларини мунтазам хабардор қилиб боради. Шундай ваъда берган эдик ("Постда"нинг 1994 йил 17 июнь сони. "Оғу элтувчи экинлар етилмоқда"), ваъдани эса бажариш керак. Бугунги суҳбатдошимиз — республика ИИБ Жиноят-қидирув бош бошқармаси гиеҳвандлик моддаларига қарши кураш бошқармасининг бўлима бошлиғи, милиция подполковниги Б. Саидов. Дастлаб кундалик ишлар билан қизиқдик.

— Тадбир кун сайин кенгайиб

қўзғатилган.

Баъзи туман идоралари "Қорадори" тадбирида иштирок этишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаптилар. Бу — шунчаки сўз эмас. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Яккабўғ, Усмон Юсупов, Баҳористон, Нишон, Ғузор; Сурхондарё вилоятининг Ангор, Олтинсой, Шеробод, Денов; Сирдарё вилоятининг Ховос, Шароф Рашидов, Оқ олтин; Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Пахтакор туманларида ғайриқонуний нашазорлар амалда қидирилмаган. Лекин, бу ҳол у ерларда бундай экинзорлар йўқ

қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида Душанбе-Москва йўналишидаги поездда кетаётган Татаристон Республикасидаги Елабуга шаҳри фуқароси, ҳеч қаерда ишламайдиган Мансур Ш. ушланди, унинг ёнидан салкам икки килограмм наша чиқди.

Шу ерда осетиялик Римма К. ва ҳеч қаерда ишламайдиган самарқандлик Сония Э. ва Динара Н. ушланди, улар олиб кетаётган термосдан 2 килограмм 125 грамм афюн хомашеси топилди.

Ховос бекатида Анджион-Москва йўналишидаги поезд йўловчиси тольяттилик Арсен Э. ёнидан 2,5 килограмм наша топилди. Ҳазорасп бекатида ушланган Туркманистон фуқароси, тошқовузлиқ Хусан С.дан 1100 грамм наша чиқди. Тошкентдаги Жанубий бекатда ушланган Қозғистон фуқароси, чимкентлик Темур С. ҳам республика ҳудудидан ана шунча миқдорда нашани олиб чиқмоқчи бўлган. Бу ўринда республика ички ишлар идораларининг нақлиётдаги бўлинмалари самарали фаолият кўрсатаётганини тилга олмасдан бўлмайди.

Ички ишларнинг ҳудудий идоралари ҳам катта иш олиб бормоқда. Чунончи, олинган ахборотни кўриб чиқиш пайтида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Андоқ қишлоғида яшовчи Шукур Х. текшириб кўрилди. Унинг уйидан милиция ходимлари ўн граммдан ортиқ афюн хом-ашеси, оз миқдорда кўкнор, эҳтимол, экиш учун мўлжаллаб қўйилган 300 грамм наша уруғини топдилар.

— Яқин истиқболда нима қилмоқчисиз?

— Юқорида айтилганидек, офатни кучаймасидан олдин йўқ қилишга, яъни оғу уруғининг ерга тушиб, заҳарли ўсимлик бўлиб униб чиқишига йўл қўймасликка бор куч-ҳаракатимизни сарфлаямиз. Вертолетлар бориши қийин бўлган тоғли жойларни режа асосида текшириб, таркибда гиеҳвандлик моддалари бўлган экинлар экилган ва ўзи ўсиб чиққан пайкаллари аниқламоқда. Лекин "Қорадори" тадбирини муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан ички ишлар бўлимлари барча хизматлари — жиноятчиликнинг олдини олиш, патруль-пост, давлат автомобиль назорати ва бошқаларнинг фаолияти ҳамда келишиб иштирок этишига боғлиқдир.

Суҳбатдош А. СТЕПАНОВ.



СУРАТЛИ АХБОРОТ

ТОШКЕНТ шаҳар ИИББ қошидаги Қўриқлаш бошқармаси бўлинмасининг сардори, милиция майори Саидазим Жалолов 1980 йилдан бери милиция идорасида хизмат қилиб келади. Ўша йили у Алмати ўт ўчириш-техника билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини 1984 йилда битиргач, хизмат қилиш билан бирга 1989 йили Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактабини сирдан битирди.

Х. ШОДИЕВ.
Суратда: С. Жалолов.
Муаллиф олган сурат.

Бизнинг фахрийлар ВАНЯ АМАКИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ички ишлар Бош бошқармасининг пост-патруль хизмати бўлинмасида старшина Иван Кириллович Малахов хизмат қилади. Уни ешлар ҳурмат билан "старшина амаки" деб тилга олишади.

— Амаки ҳам бўлиб қолдик, — дейди у қулиб бизга. — Бир зумда элликни ҳам уриб қўйибман. Ахир кечагина Москва шаҳрида аскарлик хизматини бошлаган эдим. Шунга ҳам 31 йил тўлибди.

Ҳақиқатан ҳам Иван Кириллович Малахов 31 йилдан бери сафда. Шу йилнинг 10 июнида эса муборак 50 ёшлик юбилейини нишонлади.

Москва шаҳрида хизмат бурчини адо этиш арафасида турган Иванни сардори чақириб қолди.

— Бир гуруҳ аскарларни зилзиладан вайрон бўлган Тошкентни тиклашга юбормоқдамиз. Сени ҳам рўйхатга қўшиб қўйсақ нима дейсан, — деди.

— Одамлар бошига кулфат тушганда бир чеккада томошабин бўлиб туриш йигитнинг иши эмас. Мени ҳам бемалол рўйхатга қўшиб қўяверинг, — деди у ўзгача руҳ билан.

— Сендан фақат шу жавобни олишимни билардим, — деди сардор.

Шу-шу Малахов 1966 йилдан бери Тошкентда хизмат қилиб келмоқда. Зилзила оқибатларини тугатишда қатнашиш билан бир қаторда ички ишлар идораларида хизмат қила бошлади. Аввалига жамоат тартибини сақлаш бўлинмасида милиционер-мотоциклчи, 1973 йилдан буён ҳозирги хизмат қилаётган жойида.

— Милиционерлик касби осон эмас. Ҳар доим одамлар орасида юрасан. Беш бармоқ, тенг

бўлмаганидек, одамларнинг феъл-атвори, дунёқараши, муомаласи ҳам ҳар хил. Ҳаммасининг қўнғлига йўл топишнинг керак. Қўполик, манманлик, амалпарастлик бизнинг касбимиз кишилари учун ёт. Агар меҳнатдан қотан. Ўзбеклар меҳнатдан қочмайдиган, ерни севадиган саҳий кишилар мени ҳеч қачон рус экансан деб ётсирашмаган. Аксинча қийналган пайтларим қўлларидан келганича ердан беришган. Шу ерда хизмат қилиб оилали бўлдим. Турмуш ўртоғим Наимахон билан икки ўғилни тарбиялаб voyга етказаямиз. Худо хоҳласа, улар ҳам эл-юрт тинчлиги учун хизмат қиладиган посбонлар бўлишмоқчи.

Малахов кўп йиллик ҳалол хизматлари учун бир неча бор мукофотланган. Бундан ташқари маҳаллада ҳам обрў-эътиборга эга. Унинг ердамида бир неча жиноятнинг олди олинган. Жамоатчилик ишларида мунтазам қатнашиб келади. Уни ҳар доим маҳаллада иш устида учратасиз. Тўй-матракаларда ҳамма ҳамарбаста.

Сўзимиз охирида қариса ҳам чарчаш нималигини билмайдиган 50 ёшлик "старшина амаки"ни қутлуг еши билан табриклаб, бундан кейинги ишларига муваффақият тилаб қолаямиз.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
гурӯҳи ходими.

НАШАЗОРЛАРГИНА ТАШВИШГА СОЛАЁТГАНИ ЙЎҚ

"ҚОРАДОРИ-94" тадбири қандай ўтказилаётгани хусусида

бормоқда, ҳар куни янги ахборот олинмоқда, янги тафсилотлар юзага келмоқда. Аниқроқ қилиб айтилган бўлсак, ярим йил ичида республика ҳудудида 18 гектардан кўпроқ майдонда таркибда гиеҳвандлик моддалари бўлган экинларнинг ғайриқонуний пайкаллари (улар орасида кўкнор ҳам, наша ҳам бор) топилди ва йўқ қилинди. Ғайриқонуний экинлар аниқланиши фактлари бўйича шу давр мобайнида 2439 жиноий иш қўзғатилди. Бу рақам, албатта, салмоқли. Лекин, минтақалар бўйича қарайдиган бўлсак, манзара бир қадар бошқача.

— Нима учун?

— Хоразм вилоятини олайлик. Бу ерда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан 225 оғуздор аниқланган, лекин атиги 18 жиноий иш қўзғатилган. Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларида ҳам шунга ўхшаш манзарани кўрамыз. Андижон ва Қашқадарё вилоятларида вазият бирмунча яхши. Самарқанд, Фарғона, Бухоро вилоятларида аҳвол анча қониқарли. Бухоро вилоятида аниқланган 210 фактдан 202 таси бўйича жиноий иш

деган маънони билдирмайди.

Кўп ҳолларда ички ишлар бўлинмаларининг маҳаллий ҳокимликлар, агросаноат, соғлиқни сақлаш идоралари, ўрмон хўжаликлари, умуман кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги жуда заиф.

— Ҳар ҳолда "Қорадори" тадбири кенг қўламда давом этмоқда. У ғайриқонуний оғуздорларни аниқлаш билангина чекланиб қолмас керак?

— Шубҳасиз. Бу тадбир анча кенг миқёсда бўлиб, ўз ичига фаолиятнинг бир талай бошқа йўналишларини ҳам олади. Хусусан, яқин хориждан келиб афюнни ул-гуржи харид қилувчилар, уни сотувчиларга қарши курашиш масаласига тўхтаб ўтмоқчиман. Ушланган меҳмонлар миқдори ошиб бормоқда, бу эса бизни ташвишга солмаслиги ва МДХ мамлакатлари ички ишлар идораларининг янада тигиз минтақавий ҳамкорлиги тўғрисида ўйлашга мажбур этмаслиги мумкин эмас.

Шу ўринда бир неча янги фактларни келтирмоқчиман. Самарқанд бекатида тезкор-

тугагач, у қизини ухлатган, кўрқмаслиги учун ҳамма хоналардаги чироқни еқиб қўйиб, етоқхонага йўл олган. Эшикда қулф йўқлиги сабабли уни зичлаб ёпган, эшикка стулларни тираб ҳам қўйган, кейин чироқни ёқмасдан ухлаб қолган. Аёл йўлакдаги ши-

ўзини мудофаа қиларкан, иккинчи қўли билан тортмадан пичоқни олган ва бор кучи билан номаълум кишига урган. Пичоқ зарби босқинчининг ўнг биқинига тўғри келган, зарб жуда оғриқли бўлган бўлса керак, у қўли билан жароҳатини ушлаганича уйдан

маълум эди.

Аёл босқинчига ўхшаб кетадиган йигитни кўрган кўчага йўл олишди. Йигитнинг уйини тезда топишди. Уйда чироқ ениб турарди, демак ҳали уйқуга етмаган. Хоналарда ким борлиги кўчадан яққол кўриниб турарди. Иккала ходим даставвал

ҳам улар орасида бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди. Бу ўсмирлар орасидан аёл ўша безорини топмади.

Воқеа юз берган вақтдан буён озгина вақт ўтган эди, шу сабабли безорининг кўздан гойиб бўлиши мумкин эмас эди. Туман ИИБдан воқеа жойига келгунга қадар улар йўлда ҳеч кимни учратмадилар, бинабарин безори қаердадир яқин жойда яшириниб етган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас эди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи теварак-атрофини бирма-бир кўздан кечиришни таклиф қилди. Қалин бутазор ва қоронғилик қидирувни қийинлаштирди, бироқ Безорбой уни тўхтатмади. Натижа чакки бўлмади. Симчироқ атрофида деворни эслатадиган қалин бутазор ичидан милиция ходимлари бекиниб етган безорини топдилар. Аёлга дўқ уришда ишлатган совуқ қуроли ҳам унинг ёнидан чиқди.

Милиция катта лейтенанти Б. Дониёров ҳаммадан осони жиноятнинг олдини олиш эканлигига ишонади, бироқ агар жиноят содир этилган бўлса, иложи борица уни очиш лозим. Бунда уни ким: жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ходими еки тезкор ходим амалга оширишининг ҳеч ҳам аҳамияти йўқ. Асосийси, жиноятчи жазоланмай қолмасин. Бу — бизнинг умумий вазифамиздир.

Ш. АҲМЕДОВ,
милиция подполковниги.

ЎША КУНИ Қуйичирчиқ туман ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи Б. Дониёров ишда ушланиб қолди. Дарвоқе, ой бошларида бундай бўлишга у одатланиб қолган: бу вақтда ҳисоботлар тайёрланади.

Иш вақти аллақачон тугаган, лекин Бозорбой уйга шошилмасди. Ҳисоботга яна бир кўз югуртиришни, назорат рақамларини солиштириб чиқишни ўйлади.

Навбатчилик хонасидан телефон қилишганида аллақачон тун бўлган эди.

"Бозорбой, — навбатчининг ҳаяжонли овози эшитилди, — ердамлашиб юбор. Тезкор гуруҳ ўйрилик содир бўлган жойга кетган эди, ҳозир босқинчилик қилишга уринилгани ҳақида хабар келиб қолди, бориш лозим".

Б. Дониёров кўп ўтмай навбатчининг хонасига кириб келди. Жиноят-қидирув бўлинмасининг тезкор вакили, милиция лейтенанти К. Ҳақимов билан бирга азият чеккан кишининг манзилгоҳини яна бир марта аниқлаб олди.

Воқеа ям-яшил дарахтзор орасида қурилган икки қаватли коттежда юз берган экан. Милиция ходимларини кўрқувдан даг-даг титраётган аёл қутиб олди.

У ўзини босиб олгач, юз берган воқеа ҳақида ҳикоя қилиб берди. Эри бир неча кун олдин хизмат сафарига кетган, уйда уч ешли қизи билан қолган экан.

Телевидение кўрсатувлари

КИЗГИН УЙДАН КИНАМ

тир-шитирдан қачон уйғониб кетганини аниқ айтиб беролмади. У уйда бегона одам юрганини фаҳмлаган.

Аёл тўшакдан ирғиб турган ва югуриб йўлакка чиққан. Ўша заҳоти юзига ниқоб тутган номаълум кишига тўқнаш келган, қутилмаган ҳолдан довдираб қолган босқинчи озини очишга ҳам улгурмаган.

Шунда аёл номаълум кишидан уйдан чиқиб кетишини талаб қилган, лекин у парво қилмаган ҳам, уй бекаси телефондан милицияни чақирмоқчи бўлган. Бадният кишининг аччиги чиқиб, аёлнинг олдида югуриб келган ва бошига бир неча марта мушт туширган.

Аёл ўзини ҳимоя қилган. Шу пайт у телефон қўйилган тумбочканинг тортмасида пичоқ борлигини эслаб қолган. Унинг эри сафарга кетган куни пичоқни шу ерга қўйган эди. Аёл бир қўли билан

чиқиб кетишга шошилган. Шундан сўнг эса уй бекаси милицияга қўнғироқ қилган.

Б. Дониёров тезкор вакил билан биргаликда воқеа жойини синчиклаб кўздан кечирди. Маълум бўлишча, босқинчи аввал коттежнинг томига чиққан, сўнгра туйнук орқали арқонга осилиб иккинчи қаватга тушган.

Бозорбой жойни кўриб бўлгач уй бекасидан кимдан шубҳаланишини шунчаки сўради. Аёл бир оз ўйлаб, босқинчиникига ўхшаш беўхшов юришни Солдатский қўргонининг марказида кўп учратган бир йигитда кўрганини айтди.

Ходимлар учун бу нарсаси қидирувда бир дастак бўлди. Азият чеккан аёлдан сўраб-суриштириб, унинг кўздан кечириб бўлишгач, улар ўша йигитни қидиришга киришдилар. Босқинчининг қандай юриши, биқинидан яралангани

қўли билан ўнг биқинини ушлаган ҳолда хонада беўхшов қадам ташлаб юрган йигитга эътиборни қаратдилар.

Босқинчи қўлга олинди. Ўша хонанинг ўзида пичоқ, босқинчилик қилишда у қийган кийим топилди.

Бозорбойга бу ишни тугатиши биланоқ янги бир ишга жўнашга тўғри келди. Энди безорилик қилигани тўғрисида хабар келган эди.

Еш аёлни ўз уйининг эшиги олдида бир йигит тўхтатган, беорлик билан аёлнинг қўлидан ушлаб, уни қоронғи жойга тортган, аёл қутулиб чиқиб, уйга қочиб кирган. Номаълум йигит дераза енига келиб, пичоқ билан таҳдид қилиб унинг уйдан чиқишини талаб қилган.

Воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари ўша ерда бир тўда ўсмирларни учратишди. Безорининг

АНДИЖОН тумани Ички ишлар бўлимига Хартум қишлоқ кенгашининг Завроқ қишлоғида истиқомат қилувчи, Куйтанёр қўғонига жойлашган туман уруғчилик ташкилотиди мудири бўлиб ишлаб келган, 1950 йилда туғилган Тошбой Боботоев отиб ўлдирилганлиги ҳақида хабар келади. Бу хабар тезкор гуруҳни оёққа тургазди. Зудлик билан кўрилган чоралар натижасида 3 нафар жиноятчи қўлга олинади. Уларни қўлга олиш осон бўлмади, чунки туман атрофини адирликлар ўраб олган. Бу жиноятчиларни қўлга олишда жамоа ҳўжалигининг аъзоси Маҳмуджон Раҳимов фаол иштирок этди. Тергов давомида бу жиноятчилар Жиззах ва Наманган вилоятларида ҳам қабих ишларни содир этганликлари аниқланди. Бундан ташқари, уларнинг хонадонларидан «Макаров» тўппончаси, қўшғиш ов милтиги, пневматик тўппонча, автомат ва тўппонча ўқлари топилди.

Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси Маҳмуджон Раҳимовни қимматбаҳо совға билан тақдирлади. Бу албатта, қувонарли ҳол.

— Ҳа, ҳайрон бўлманг, — дея гап бошлади Андижон тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Адҳамжон ака Тиллаев. — Туманимизда бундай йигитлар кўп, вақти келса улар кечани кеча демая, кундузни кундуз демая, милиция ходимлари билан биргаликда фуқароларнинг осойишталигини сақлаш учун хизмат қиладилар. Мана, яна бир оддий мисол. Май

ойида ёгингарчилик кучли бўлиб, жойларда сув ўзанидан тошган эди. Кишиларнинг осойишталигини сақлаш, уларни хатарсиз жойларга кўчириш, сув ҳавзалари қирғоқларини мустаҳкамлашда милиция ходимлари билан бирга улар елкама-елка турдилар.

Собиқ Иттифоқ даврида уларни кўнгилли халқ дружиначилари деб

МИЛИЦИЯНИНГ ФАОЛ ЕРДАМЧИЛАРИ

атардик. Ўша даврда дружиначиларга махсус қўшимча гувоҳномалар берилар эди. Меҳнат таътилларида қўшимча кунлар қўшилиб, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш масалалари йўлга қўйилган эди. Ҳозирги кунда бу масалалар бизнинг олдимизда муаммо бўлиб қолмоқда.

Бутунги кунда туманда 16 та участка пункти бор, уларда ўз ҳоҳишлари билан фуқаролар осойишталигини сақлаш ўзларининг инсрнийлик бурчи эканлигини ҳис этган йигитлар хизмат қилмоқдалар. Улар билан мен яқиндан танишишга муяссар бўлдим, оддий деҳқон йигитлар, аммо уларнинг фидойилиги мени ҳайратга солди.

Равшанбек Азизов «Гулистон», Равшанбек Ғозиев «Шарқ юлдузи»,

Баҳодиржон Сайфиддинов Бобур номли жамоа ҳўжаликларида оддий колхозчи, Абдурахимжон Қаюмов эса Хартум қишлоқ кенгашининг котиби, Тоҳиржон Собиров А. Исмоилов номли жамоа ҳўжалигида оддий ҳайдовчи бўлиб ишлашади. Тоҳиржон ҳақида ҳар қанча ёзса кам. Вақти келса ўз жонини ҳам аямайди, 1989 йилда уни

ҳукуматимиз «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирлади. Суҳбат давомида бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Ўша вақтларда кўнгилли халқ дружиначилари сафида хизмат қилган йигитлардан Иброҳимжон Ҳошимов милиция капитани, Ғуломжон Рўзиматов милиция катта лейтенанти, Одилжон Йўлдошев эса милиция лейтенанти бўлдилар. Улар ҳозирда туман Ички ишлар бўлимида ишлаб келмоқдалар.

Бу йигитларнинг хизматларини кўриб-билиб юрган Адҳамжон ака Тиллаев уларга алоҳида формалар тикдирди; шу билан бирга ҳар бир участка пунктларида отлиқ милиция отрядларини тузди. Буларнинг ҳаммаси яхши, аммо бу йигитларни

кимлар деб аташ мумкин? Ахир улар милиция билан ёнма-ён хизмат қилиб келмоқдалар. Улар милиция ходимларига ўхшаб қасамед қилмайдилар-ку! Фақат ўзлари отилиб чиқадилар, фуқаролар тинч-лигини сақлашни ўз бурчлари, деб биладилар. Бундоқ олиб қарасанг, уларнинг ҳам оиласи бор, жонажон жамоалари бор. Тўғри, уларни бу ишларга ҳеч ким мажбур қилмайди, лекин орамизда шундай инсонлар ҳам борки, кўриб-билиб туриб, ўзларини кўрмасликка ва билмасликка оладилар. Хўш, бундай инсонларни кимлар, дейиш мумкин?

Ҳа, туман Ички ишлар бўлимининг ходимлари бундай йигитлар билан ҳар қанча фахрланишса арзийди. Бежиз «Элини суйганни эл суяди» дейишмайди.

Туман Ички ишлар бўлимидан қайтар эканман, Адҳамжон аканинг сўзлари ҳақида кўп ўйладим. Бироқ ўйимнинг охирига ета олмадим. Шунинг учун ҳам бу мақолани кўпчилик муҳокамасига ташладим. Балки бу мақола тўғрисида фикр алмашмоқчи бўлганлар, бундай масалалар ҳал бўлган жойларда тажриба алмаштирамиз, деганлар чиқиб қолар.

Жамилахон МАТМУСАЕВА,
Андижон вилоят ҳокимлиги
Меҳнат, бандлик ва аҳолини
ижтимоий ҳимоя қилиш
бошқармасининг мутахассиси.

ҚОЧОҚ ҚЎЛГА ТУШДИ

ЭРТАЛАБ велосипедда ишга бораётган Шовот туманидаги Р. Болтаев номли мактаб қоровули Раззоқ Аҳмедов орқасидан урилган қандайдир зарбдан ерга йиқилди. Бошини кўтараркан узоқлашиб кетаётган «Жигули» машинасига кўзи тушди. «Эҳ номар!» дея сўкиндию кейин инграб яна бошини ерга қўйди.

Қўшқўпир қурилиш материаллари заводи олдидаги бу йўл ҳодисаси тўғрисида хабар туман милициясини оёққа тургазди. Вилоят марказидан милиция капитани Аҳмаджон Бекчонов бошлиқ ДАН алоҳида бўлини маси ҳам кўмакка етиб келди. Қидирув ишлари шу куни ва тунда ҳам давом этди. Эртаси куни пешинга яқин алоҳида бўлини нозирлари — милиция катта сержанти Ражаббой Раҳмонов ва милиция сержанти Уктам Матёкубовлар томонидан кўрилган оператив тадбирлар натижасида ҳодиса юз берган жойдан қочиб кетган Хива туманидаги Огаҳий номли жамоа ҳўжалигида яшовчи ВА3-2102 машинаси ҳайдовчиси Раҳим Ҳайитов ушланди.

К. ОСТАНАЕВ.

Суратда: бўлини командири, милиция капитани Аҳмаджон Бекчонов (ўртада) милиция катта лейтенанти Одилбек Қозоқов, маъмурий амалиёт инспектори, милиция катта лейтенанти Равшанбек Рўзиевлар билан навбатдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Саъдулла БОБО олган сурат.

ХУШЁРЛИКДА ГАП КЎП

ТОШКЕНТ ШАҲАР Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини, милиция полковниги Т. Худойбергенов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Пойтахтнинг ҳар бир туманида режалли равишда «Ҳашар» тадбири ўтказилади. Шаҳар миқёсида «Комплекс» ва «Тун» тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилган. Ундан ташқари ҳар бир туман ички ишлар бўлимида ИИББ бошлиғи томонидан тасдиқланган режа асосида тадбирлар олиб борилади. Ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туман ИИБда бўлиб ўтди. Уни шартли равишда «Тартиб» деб аталди. Натижалар эса ёмон эмас. Муҳими, туман ички ишлар ходимларининг доимо хушёр эканликлари яна бир бор тасдиқланди. Хушёрликда эса гап кўп.

Дарҳақиқат, Шайхонтоҳур тумани шаҳарнинг гавжум қисмида жойлашган бўлиб, ички ишлар бўлими ходимларидан катта масъулият ва хушёрликни талаб этади. Биргина «Чорсу» бозори атрофида кунига ўнлаб тадбирбузарликларнинг олди олиниши ҳам фикримизнинг ерқин далилидир.

Туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Асқар Зиевиддиновни Жиноят-қидирув бўлими ходимлари билан учратдик. Асқар ака ходимларга тадбир олдида яна бир бор йўл-йўриқлар бериб муваффақият тилади.

Асқар аканинг ҳориганини уйқусизликдан қизариб турган кўзларидан билиш қийин эмасди.

— «Тартиб» тадбирини икки босқичда олиб бордик. Унда 402 нафар милиция ходими ва 16 та автомашина қатнашди. 10 та жиноят фош этилди. Шу жумладан, 3 та безорилик, 2 та фуқаролар мулкни ўғирлаш, 1 та давлат мулкни талон-торож қилиш, 1 та гиеҳвандлик ҳодисасига барҳам берилди, 2 та шарм-ҳаёни тақдирловчи видеотасма сотувчилар қўлга олинди. Қидирувдаги 2 та жиноятчи ва 1 та бедарак йўқолган шахс топилди. Жамоат жойларида

маст ҳолда юриб амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилмаган 61 фуқаро огоҳлантирилди...

Шу вақтда Асқар аканинг телефони безовта жиринглаб қолди. Сим қоққан навбатчи милиционер яна бир жиноятнинг фош этилгани ҳақида хабар қилди: Уйғур кўчасида жойлашган «Кукси» қаҳвахонасидан «Горизонт» телевизори, «Орбита» магнитофони ўғирлангандан сўнг жиноят-қидирув бўлими ходимлари А. Носиров ва К. Султоновнинг кўрган тезкор тадбирлари натижасида жиноят қизғида очилди. 1970 йилда туғилган, Марказ-26 да яшовчи Б. М. қўлга олинди.

Бошлиқ биз томонга қараб «ана, ўзларинглар ҳам эшитгандирсизлар» деб қўйди. Кейин бизнинг олдимизга тадбир якунларига оид маълумотмани кўйиб, шошилиш равишда бошқа бир жиноят содир этилган жойга жўнади.

Маълумотмани кўздан кечириар эканмиз, яна бир факт эътиборимизни тортди: «14 май куни Ахлоқ милицияси ходимлари А. Отахонов ва Я. Аҳмедовнинг хизматлари билан 1964 йилда туғилган, Уйғур кўчасида яшовчи Б. Р. ва 1967 йилда туғилган, Жарариқ даҳасида яшовчи Ш. М. порнографик видеотасмаларнинг ҳар бирини 60 минг сўм-купондан сотишгаётганда қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари туман Ички ишлар бўлимида олиб борилмоқда.»

«Тартиб» тадбири натижалари билан танишишни давом эттирамиз: паспорт режими текширилганда 36 та қоидабузарлик аён бўлди ва айбдорлардан жарима ундирилди. Ёнгиндан сақлаш ходимлари билан ҳамкорликда 28 та ташкилот ва 108 та уй хонадонларининг ҳолати назоратдан кечирилди. Қўпол равишда ёнгиндан сақлаш қоидаларига бўйсунмаганларга жарима солинди.

Муқаддам судланган 127 шахснинг турмуш тарзи ўрганилди. Уларнинг барчаси ИИБга тақлиф қилиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Тарбияси оғир ўсмирлар

рўйхатидаги 18 та бола текширилди. Шундан 8 таси мунтазам равишда майда безорилик ва тартиббузарликда иштирок этгани учун назорат кучайтирилди.

ДАН ходимлари иштирокида 160 та автомашина ва 6 та тўхташ жойи фаолияти ўрганилди. 12 та баённома тузилиб, мутасадди идораларга юборилди.

Туман ИИБ кириш-чиқиш ва фуқаролик бўлими ходимлари томонидан 26 хорижий фуқаро текширилди, натижада 11 та баённома тузилди ва жарима ундирилди.

Ахлоқ милицияси ходимлари 3 та беҳаёллар йиғилдиган уйни текширишди, 2 та енгил табиатли аёл тери-таносил касалликлари шифохонасига жўнатилди...

Эшик очилиб ИИБ бошлиғи Асқар Зиевиддинов кириб келди ва Оқтепа мавзесида рўй берган воқеани гапириб берди: икки қалин дўст спиртли ичимлик ичишда, сўнгга арзимаган жанжал оқибатида Геннадий Т. дўсти Алексей Т. га оғир тан жароҳати етказди. Жабрланувчи касалхонага етказилди. Зўравон ички ишлар бўлимига келтирилди.

Шайхонтоҳур тумани ИИБ дан чиқаётганимизда Жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Интиқ Серикбоев хонасига тақлиф қилиб қолди. Тезкор ҳаракат бўлини маси сержантлари М. Исроилов ва Б. Аурмагов, милиция участка вакиллари К. Бекжонов ва С. Раҳимов Фарғона вилоятида яшовчи, 1965 йилда туғилган Давлатжон М. ни икки килою олти юз грамм гиеҳвандлик моддаси билан қўлга олишди...

Туман ҳудудида салбий ҳолатларга барҳам бериш ва жамоат тартибини бузувчиларнинг барча кўринишларига қарши курашни учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

«Тартиб» тадбирига якун ясалди, тадбирлар эса давом этади. Муҳими, шайхонтоҳурлик милиция ходимлари доимо хушёр.

Мирзоаҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
гуруҳи ходими.



ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯЧИ

Кеч соат йигирма икки. Навбатчилик қисми телефони жиринглади. Кимдир ҳаяжон билан К. Содиқов номли ширкат ҳўжалигининг Галлачи қишлоғида яшовчи номаълум шахс кўлида қирқма милтиқ билан безорилик қилиб қўшнилари тинчини бузаётганини билдирди. У ўзини таништирмай гўшақни қўйиб қўйди. Чирокчи туман Ички ишлар бўлимида тезкор гуруҳ тузилиб йўлга отланди. Гуруҳ раҳбари жиноят-қидирув бўлини маси бошлиғи, милиция майори Жуманазар Бегматов воқеа жойини кузатишдан олдин, безорининг кимлиги ва нима учун қурол кўтариб юрганлигини оператив йўл билан аниқлашни маслаҳат берди.

Қишлоқ одамлари уйкута кетишган. Атроф жим-жит. Жуманазар милтиқ кўтарган шахс муқаддам судланган, лақаби «Граф» бўлган, тумандаги 77-ўрта мактаб ўқитувчиси Элмурод Эргашев эканлигини суриштириб билганди. Бутун у ҳамқишлоғи Ғозиникида ўтирганлигини аниқлади. Гуруҳ воқеа жойига етиб келганда Элмуроднинг қўлида қирқма милтиқ, ўзи ширақайф, тебраниб турарди. Ж. Бегматов унинг мастлигини ҳисобга олиб танҳо ўзи унга яқинлашди. Шу пайт «Граф» хушёр тортди. Кўзи келаётган таниш кишига тушди.

«Граф» арслондай ириллаб, «Яқинлашма, отаман», дея огоҳлантирди. У Жуманазарни мўлжалга олганди. Аммо изкувар шошиб қолмади. Ҳаёт ва ўлим бир қадам. Жиндай қалтис ҳаракат қилса ўлка учини тайин. У йўталган бўлиб қафтини оғзига тутди. Ушанда тезлик билан енига қаради. Безори ҳам илкис ўша тарафга қараганди. Жуманазар тез ва чаққонлик билан бир думалаб унинг енида пайдо бўлди ва бор кучини жамлаб қуролни тортиб олишга эришди. Ерданга келган жиноят-қидирув тезкор вакили, милиция лейтенанти Эшдавлат Турсунов «Граф»нинг қўлини осонгина қайирди.

Ашаддий безори Элмурод Эргашев туман Ички ишлар бўлимига келтирилди. Ушбу факт юзасидан туман прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатиildi. «Граф»нинг уйи тинтув қилинганда 50-грамм наша ва 19 дона ўқ ҳамда қирқма милтиқ сақлаш учун махсус кути топилди.

Элмурод Эргашев ўзи ўқитувчи бўлатуриб безорилик қўчасига кирди. Тарбиясиз тарбиячининг номақбул қилигидан туман халқ таълими бўлимидаги ўртоқлар ҳам бирор хулоса чиқаришар деб ўйлаймиз.

У. ҲАЙДАРОВ.

ХИЗМАТ ЖОЙИ — ИЧКИ ҚЎШИНЛАР

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси ИИБ ички қўшинларининг энг кекса бўлинмаларидан бири ўзи ташкил толган кунни нишонлади. Бўлинманинг шахсий таркиби ана шу давр мобайнида талай шонли ишларни амалга оширган. Олис йигирманчи йилларда у Тошкент соқчилар командаси деб аталиб, жасорат ва матонат намуналарини кўрсатган. Улар халқ ҳокимиятининг фаолиятини ишдан чиқаришга уринган турли бандаларга қарши курашганлар.

Фуқаролар уруши тугагач, команда ўз вазифасини бажаришда давом этди. Жиноий жавобгарликка тортилган ва бандитлиги учун жазоланган кишилар айланиб катта хавф тугдирарди. Соқчилик хизмати осон эмас эди, у шахсий таркибдан доим ҳушёр, сезгир, топқир бўлишни, жиноятчиларнинг макрини дарҳол сезиб олишни, уларнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларига барҳам беришни талаб қиларди. Масалан, ўттинчи йиллар ўртасида соқчилар мамлакат шимолига йўл олган эшелонни кузатиб боришди. Ёгаётган емир кучли қорга айланиб кетди. Зим-зиё тун. Оддий аскар А. Жуковский ўзи қўриқлаётган поездни эътибор билан кузатарди. Панжарали дераза туйнуқларидан бирида у қора доғни сезиб қолди. Соқчи икки марта ўқ узди ва поездни тўхтатиш чорасини кўрди. Бир зумда етиб келган тезкор гуруҳ қўриқланаётган маҳкумлар гуруҳи қочиш учун тайёр эканлигини кўрди. Оддий аскар А. Жуковскийнинг ҳушёрлиги туфайли оммавий қочишнинг олди олинди.

Шахсий таркибнинг 1941-1945 йиллардаги урушда иштирок этиши бўлинма солномасининг шонли саҳифаларини ташкил этади. Унинг ҳарбий хизматчилари ҳаракатдаги армияга юборишларини сўраб мурожаат қилганлар. Қўлаб жангчиларнинг илтимослари қондирилди. Шу ерда сардор бўлиб хизмат қилган Н. Мирошниченко дастлабки кўнгиллардан бири сифатида жангга кетди. Зобит душман билан мардона жанг қилди, урушнинг генерал-лейтенант унвонида якунланди.

Ленинград фронтда туғилган снайперлик ҳаракати жуда тезлик билан бутун ҳаракатдаги армияга тарқалди ва фронтдан жуда олисда бўлган Тошкентга ҳам етиб келди. Ноябрьнинг ўзидеяк полкда қирқ икки

нафар снайпер тайёрланди, уларга "Ишчи-деҳқон Қизил Армияси снайпери" нишони топширилди.

1943 йил февралда оддий аскар А. Гончаров, М. Шатохин, И. Татаринов, И. Супрун, М. Булатников ва бошқалардан иборат бўлган снайперлар гуруҳи взвод сардори Г. Веселов бошчилигида Ғарбий фронтга юборилди. Дастлабки ўн кун ичидеяк снайперлар 17 фашист аскари ва зобитини йўқ қилди. Ўша йилнинг майида яна бир гуруҳ Брянск фронтга юборилди. Уруш йилларида қисм снайперлари жами

Муслиенко ва Т. Гайбуллаев маҳкумларнинг ҳужумини қайтардилар. Поезд ҳалокатга учраган жой соқчилар томонидан қўриқиб олинди, ҳатто ярадор жангчилар ҳам хизматни давом эттирдилар.

Уруш ҳолати соқчилик қисмларининг хизматини анча мураккаблаштирди. Поездларнинг бир маромдаги ҳаракати бузилгани сабабли соқчилар ва улар кузатиб бораётганларини овқатлантириш ҳамда ҳаракат қилиши борасида қийинчиликлар пайдо бўлди. Шунга қарамай, шахсий таркиб ўз

эътиборини маҳкумлардан бири тортди. У тез-тез ёнидаги иккинчи маҳкумга бир нарсаларни шивирларди. Сержант ташвишланиб қолди. У тезда маҳкумларни тинтиш хусусидаги қарорга келди. Натижада нон ичидан иккита пичоқ топилди. Такиқланган буюмлар мусодара қилинди. Агар сержант С. Темиров, оддий аскарлар Х. Душанов, Н. Нурматов, А. Хидировларнинг сезгирлиги ва моҳирона хатти-ҳаракати бўлмаганда, исталган лаҳзада фожиа юз бериши мумкин эди.

Жанговар жасорат, мардлик эстафетаси шу тарихда авлоддан авлодга ўтиб бормокда. Бугунги кунда бўлинма жангчилари жанговар хизмат фаолиятини янада тақомиллаштириш, жанговар тайёргарликни яхшилаш, уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун ҳамма кучларини сарфламоқдалар. Энг яхшилар сафида зобитлар К. Аноров, В. Буличев, М. Имонов, Б. Искандаров, Э. Раҳмонов, Е. Ушпик, С. Турчин, прапорщиклар М. Однорог, Р. Шарабудинов, сержантлар Р. Аҳмедов, Р. Абсаломов, Т. Бекмуродов, Ф. Рамазонов, К. Сатторов, оддий аскарлар Ж. Абдукаримов, Т. Боймуродов, Ш. Турдиев, А. Умурзоқов, Р. Хушвоқовлар бор.

Бўлинма шонли жанговар йўли босиб ўтди. Тинчлик кунларида ҳам, оғир синов йилларида ҳам унинг ҳарбий хизматчилари доимо халққа чексиз содиқ бўлиш, матонат, мардлик ва жасорат кўрсатишда ўрнатилган бўлиб келдилар. Бўлинма сардорининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, зобит М. Абдурахмонов айтганидек: "Биз Ўзбекистон Республикаси ИИБ ички қўшинларида хизмат қиламиз ва бу билан фахрланамиз. Қалбларимиз Ватанга туташган, унинг ҳаёти, бугуни ва келажиги билан яшаймиз. Шонли анъаналар сўнамаслиги, улар ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳаётининг қонунига айланиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қиламиз".

СУРАТЛАРДА: бўлинма жангчилари бўлинма сардори, зобит Н. В. Ципилин бошчилигида парадда тантанали марш билан ўтмоқдалар. 1967 йил; зобитларнинг махсус тактик тайёргарлиги бўйича синовлар ўтказилмоқда. 1987 йил.



2500 дан ортиқ фашистни ер ташлашди. Ҳаракатдаги армияга бу қисмдан бир неча марта қўшимча аскарлар юбориб турилди.

Фронтдан олисда ҳам полкнинг шахсий таркиби жанговар хизмат вазифаларини бажариш чоғида катта жасорат ва матонат кўрсатди. Масалан, катта лейтенант Мельников бошлиқ бўлган эшелон соқчиларининг шахсий таркиби топқирлик, мардлик ва ташаббускорлик намунасини намойиш этган. Соқчилар Ўзоқ Шарққа бораётган эшелонни кузатиб борарди (1943 йилнинг август). Йўлда поезд ҳалокати юз берди. Ҳуқм қилинганлар жойлашган эшелон пастликка кулади. Маҳкумларнинг бир қисми ўрмонга қараб қочди. Бошқалари эса соқчиларга ҳужум қилмоқчи бўлди. Катта лейтенант И. Мельников ва унинг ердამчиси, кичик лейтенант О. Бузан вагон парчалари орасида етган кишиларни қутқариб, қолганларининг ўрмонга қочишга йўл қўймаслик чораларини кўрди. Хизмат итлари бўйича кичик йўриқчи Н. Макаренко қидирув ити ердамида ўрмон ичига 200 метр киришга улгурган олти нафар маҳкумини тутди. Старшиналар Н.

вазифаларини муваффақият билан бажарди.

Урушдан сўнг бўлинма ҳарбий хизматчилари соқчиликка доир масъулиятли вазифаларни бажаришда давом этдилар, мураккаб вазиятларда мардлик, қатъият намуналарини кўрсатдилар. Лейтенант В. Тожибоев раҳбарлигидаги суд соқчилари шахсий таркибининг хатти-ҳаракати хизмат вазифаларини намунали бажаришга мисол бўла олади.

Ҳуқм эълон қилинаётган пайтда судланувчи ўридан сакраб турган ва тўсиқдан сакраб ўтиб, қочишга уринган. Соқчилардан оддий аскарлар Л. Андреев, Р. Саматов унинг йўлини тўсишган, оддий аскар Ғ. Оспанов самбо усулини қўлаб, уни ушлаган.

Бўлинма тарихида бундай мисоллар бир талай. Жиноятчиларнинг қочишга ҳар қандай уринишлари ҳушёрлик, топқирлик билан бартаф қилинган. Шу кунларга оид бир мисол келтирмоқчимиз. Соқчилар ҳуқм қилинган кишиларни махсус вагонда олиб кетмоқда эдилар. Пешин вақти бўлиб, ҳарбий хизматчилар овқат тарқатишга тайёрлана бошладилар. Соқчилар бошлиғи ўринбосарининг



Прапорщик Р. Мухторов ўз хизмат вазифаларини бажаришга яқинда киришди. Жароҳат оқибатлари баъзан унга тинчлик бермас эди, лекин уйда ётавериш

жангчиси ана шундай бўлиши керак — у мардликни ҳар кун иб берадиган оддий воқеа деб ҳисоблайди, уни қаҳрамон деб атаганида таажжубланиб.

— Ёрдам беринглар! — деб қичқирди қизча отасини безорининг қўлидан қутқаришга уринаркан. Лекин унинг кучи етмасди. Рашид шу пайтда бирор нарса

Рашиднинг қорнига зарб билан пичоқ урди. Бутун гавдага оғриқ тарқалди. Лекин безори иккинчи зарбани беришга улгурмади. Рашид оғриқни енгиб, унинг пичоқли қўлини орқага қайирди ва ерга ағдарди. Қалтакланган киши ҳам ўзига келиб, ердагига шовилди...

Прапорщикнинг хизмати яна ўз маромига кириб бормокда. Бугун у анча ҳаяжонланди: Ички қўшинлар бошқармаси бошлигининг фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш чоғида кўрсатган мардлиги учун прапорщик Мухторовни тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи тантанали равишда, саф торган бўлинма шахсий таркиб олдида ўқиб эшитирилди. Хизматдошларининг табрикларидан Рашид ўнғайсиаланарди. Ишончимиз қомилки, агар ана шундай воқеа такрорланиб қолгудек бўлса, ҳар бир хизматдош ўртоғи сингари у ҳам ўзининг фуқаролик ва аскарлик бурчини албатта яна бажарарди.

Ш. КАРИМБОВ,
лейтенант.

ШАҲРИК-ЛАЙМЧИ!

Тошкент вилояти ИИБга қарашли оддий ва кичик бошлиқлар тайёрлаш бошланғич мактабининг бошлиғи, милиция подполковниги **Абдураҳим Шодиевич ШОДИЕВ**ни муборак туғилган куни билан табриклаб, сihat-саломатлик, узоқ умр, тинчлик-осойишталик, машаққатли меҳнатда улкан зафарлар тилаймиз.

Мактаб педагоглар жамоаси ва зобитлари.



Қилмиш-қидирмиш

МЕҲМОН ЎҒРИ БЎЛИБ ЧИКДИ

БУХОРО ШАҲРИДА яшовчи Х.Абдуллаев Тўрткўл тумани "Шўраҳон" жамоа ҳўжалигида яшовчи Р.Сайдамовнинг уйига меҳмондорчиликка келди. Ёски танишларнинг сўҳбати узоқ давом этди. Меҳмон уй эгасининг уйқуға кетганлигидан фойдаланиб секингина ташқарига чиқди. Сўнгра молхона ичкарасига қамаб қўйилган қўйларнинг семизини саралаб жуфтакни ростламоқчи бўлди. Аммо ўғри меҳмоннинг режаси пучга чиқди. Чунки, уни йўл бошида туман ИИБ ходимлари кутиб олишди.

500 МИНГ СЎМЛИК ПЎПИСА

Тўрткўл тумани "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигида дўкон мўдирини бўлиб ишловчи Кенжабой кўтилмаганда мактуб олди. Унда номаълум шахс 500 минг сўм беришни талаб қилган эди. Агарда ушбу шартга рози бўлмаса, уйига, мол-мулкига ўт қўйиб юборишини таъкидлаганди.

Жабрланувчи иккиланиб ўтирмасдан туман ички ишлар бўлимига бориб, воқеани батафсил гапириб берди. Туман ИИБ томонидан тузилган тезкор гуруҳ зудлик билан ишга киришди. ИИБ ЖҚБ бошлиғи, милиция катта лейтенанти А.Сапоев, катта тезкор вакил, милиция капитани М.Алимов, участка вакилларида милиция лейтенантлари Б. Ибодуллаев, Ю. Душиевларнинг ҳушёр ҳаракати туфайли жиноятчи қўлга олинди. У "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ю.К. бўлиб чиқди.

500 минг сўмлик пўписа жиноятчига қимматга тушадиган бўлди.

"САЁҲАТГА" ОЛИБ КЕТИШДИ

ШАҲРИСАВЗЛИК икки дўст Д.Ж. ҳамда И.Ш.лар Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрига саёҳатга келишди. Илгари ҳам ўғирлик билан судланган Д.Ж. ҳамроҳини эгри йўлга ундади. Улар Тўрткўл тумани марказий касалхонасининг ишчиси М.Нуримбетовнинг 500 минг сўм турадиган дўписини ўмариб, тушган фойдани "арра" қилмоқчи бўлишди. Аммо уларнинг бу ниёти амалга ошмади. Туман ИИБ ходимлари бу ўғирларни қўлга олиб, ички ишлар бўлимига "саёҳатга" олиб кетишди.

Б.АВЕЗМЕТОВ,
Тўрткўл тумани ИИБ
бошлигининг шахсий таркиб
билан ишлаш бўйича
ўринбосари, милиция майори.

"МЕН ҲАҚИМДА ЁЗИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ"

ҳам жонига тегди.

Мен билан сўҳбатлашганда Рашид ўзини бир қадар ўнғайсиз ҳис этди, балки менга шундай туюлганди. У бир неча марта астойдил таажжубланди: "Нимага мен ҳақимда ёзмокчиси, ахир катта мардлик кўрсатганим йўқ-ку. Хизматда намуна кўрсатганимда бошқа нарса эди. Бу ерда эса кишиларнинг ҳимоя қилдим холос".

Ана шу сўзларда, гапириб оқангиди унинг гўягидея камтарлиги хис этилади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ички қўшинлари

...Бу воқеа юз берган оқшомда Рашид кўчада эди. У масофага чопиш машини билан машғул эди. Бир неча кундан бери таътилда бўлишига қарамай, кундалиқ одатини тарк этмади.

Қўп ўтмай чорраҳада ўрта ешли киши, ўн беш ешлардаги қизча ва бир йигит турганига аҳамият берди. Қаттиқ-қаттиқ овоз эшитилаётганига қараганда жанжал бошланмоқда эди.

Мухторов уларга яқинлашиб қолганда бирдан йигит ўрта яшар кишига ташланиб қолди.

тўғрисида ўйлаган эдимиз? Кутуриб кетган безори эҳтимол ундан куч-лироқдир?

— Йўқ, — деб бошини чайқади прапорщик. У ўзидан қўрмаган эди: кураш бўйича разряди бор. Лекин қўтилмаган ҳол юз берди. Рашид безорининг еқасидан ушлаб тортди, у эса бошини орқага буриб дарғазаб назар ташлади-да: "Бор, йўлингдан қолма", — деди.

— Четга ўтайлик, — деди Мухторов ва қўлини бўшатди. Бундан фойдаланган безори



СУРАТЛИ АХБОРОТ

Суратда: Паркент туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Равшан Арслонов жиноят-қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Паҳмиддин Холисов, терговчи, милиция капитани Шермат Шамшиев ва ВЕИН катта инспектори, милиция катта лейтенанти Тўхтамурод Шомирзаев билан тезкор ҳаракатлар режасини муҳокама қилмоқда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

“Бошингга гар бало келса, бировданмас ўзиндан кўр” дейдилар бир қўшиқда. Чиндан ҳам шундай. Бойи, охирини ўйламай ташланган чакки қадам ҳеч кимга наф келтирмаган, аксинча бундай боши берк кўчага кирганлар бир кунмас-бир кун эларо шарманда-ю шармисор бўлиб нафақат ўзларига, балки яқинларига, қавму-қариндошларига ҳам лаънат тамгаси босилишига сабаб бўлганлар. Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз куйида ҳикоя қилиб бермоққа жазм этган жиноий воқеа иштирокчилари ҳам тўқликка шўхлик қилиб маншат ва пул дардида ўзларини ўтга, чўққа урган, охир оқибатда қозлари қора бўлган шахслардир.

Масалан, Рашидхон Алиевга нима етишмас эди? Егани олдида, емагани ортида. Бир эмас, икки жойда ишларди. Наманган туманининг умумий овқатланиш корхонасига қарашли “Замондош” кафеси директори бўлиш билан бирга “Навбахор” футбол клубидан ҳам техник директор сифатида кўрдек маош олиб турарди. Йўқ, булар иштаҳаси борган сари юхо бўлиб кетаётган. Рашидхонни қаноатлантирмасди. Шу боис пул топишнинг хатарли, жиноий кўчаларига бош суқди.

“Кўр кўрни қоронғуда топади” деганларидек, Рашидхон Алиев каби текинхўрлик касалига мубтало бўлганлар осонгина оёқ остида чиқа қолди. Қосонсой шаҳар матлубот жамиятига қарашли “Соҳил” кафесининг директори Зафар Бобоев, Совет туманидаги “Овен” хусусий фирмасининг президенти Вадим Магай, “Замондош” кафесининг қандолатчилик цехи ходими Абдухалиф Гафуров ҳамда иш жойининг тайини йўқ Акмал Нуритдинов, Маҳмад Хусанов, Алишер Мирзажонов, Носир Қодиров, Рашид Турғунов, Иброҳим Умархонов қабиляр ҳам текин пул деса ўзларини етти қават томдан ташлашга шай турган кимсалар экан. Рашидхон Алиев бундоқ танасига

ўйлаб қараса, пул топишнинг энг осон йўли — кимор ўйини. Хозир ким кўп, қингир йўллар билан пул топиб, уни қаерга сарфлашни билмай юрганлар... Хўш, шунақаларни кимор ўйнатиб, улардан олинган чўтал, жой ҳақи эвазига шоҳона яшаш мумкин эмасми?

Дастлаб киморбозлик ўйинларини ўзиникида, кейин эса ака-укалари Халимбой ва Зухриддинлар яшаган уйда ташкил этди. Бу ўйинларда эски ошналари Зафар Бобоев, Алишер Мирзажонов, Вадим Магайлар доимий равишда даврабошлик қилишди. Кимор ўйинининг ҳийлаи асронини ипидан игнасигача билувчи бу устамонлар ҳадемай боғти пул топиб, ақл толмаганларни, айрим

Кимор кундан кунга авж олиб, давра тобора кенгайиб бораверди. Усталарнинг тузоғига илиниб, ўз ихтиёри билан ёнлариди пули, мол-мулкни бой бериб пешонасига шапшап урганлар сони ҳам ортди. Шундайлар жумласига Маҳмад Хусановни киритиш мумкин. У Аюбхон Умархоновнинг Нурободдаги уйида уюштирилган кимор ўйинларининг бирида катта миқдорда қардор бўлиб қолди. Эвазига у “Жигули” машинасини сотиб берди, шунда ҳам қарздан қутилмади.

Тергов ва суд чоғида аниқланган ҳужжатлар билан атрофлича танишар экансиз, аччиқ бир ҳақиқатга дуч келасиз. Шафқатсизликни қарантки, боя тилга олиб ўтганимиз М. Хусанов

дейлик. Хўш, унда Ахсикент даҳасида ўзиникига қўшниси И. Ориповнинг 600 квадрат метр сахли уй-жойини қўшиб олиб, 1990-92 йилларда бир неча миллион сўм сарфлаб тикланган қошона қайси пуллар эвазига қуриб битказилди экан?

Жиноий гуруҳнинг Зафар Бобоев, Вадим Магай, Абдухалиф Гафуров сингари бошқа тўққиз аъзолари хусусида ҳам талай далил, исботларни келтиришимиз мумкин. Масалан, “Овен” хусусий фирмаси президенти В. Магай гуруҳнинг ишбошиларидан бири бўлган. В. Магай А. Гафуровга, гарчи у фирмада ишламаса-да, таъминотчи деган ишонч қозғоларни эзиб берарди. Сохта “таъминотчи” эса Наманган вино заводида 11200 дон “Русская водка” ароғи ҳамда 1040 дон “Чашма” виноларини олиб чиқиб кетиб, “шапқаси” билан пуллайди. Тергов “Овен” фирмаси президенти давлат кассасига ҳам қўл суқидан тап тортмаганлигини кўрсатди. Бундан ташқари, Магай киморбозларни мунтазам равишда ақча билан таъминлаб турган. Буни унинг ёнидан чиққан қардорлар рўйхати тасдиқлайди.

Ўз таркибига ўн нафар текинтомок, ашаддий киморбозларни бирлаштирган жиноий гуруҳ фаолияти элакдан ўтказилганида улардан 25 дон жаңговар ўқ, “Детектив” маркали газ тўппонча, гиехвандлик моддалари топилди.

Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси, милиция майори Қасимов Дадабоев мазкур жиноий гуруҳ фаолиятини очиб ташлаб, тергов ишларини якунлади. Одиал суд эса жиноятчиларнинг барчасига қилмишларига яраша жазо тайинлади. Хар ким экканини ўради, деб шунга айтсалар керак-да.

Х. ҲАКИМОВ,

милиция подполковниги.

И. КАРИМОВ,

милиция майори.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ЎҒИРЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

Биринчи жиноят

1991 йилнинг айни баҳор палласи. Ярим кеча, аниқроғи, 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси. Соат тахминан 24 лар. Баҳодир иш жойи (Каттақўрғон туманлараро қишлоқ хўжалигининг ким-мелаштириш ташкилоти) дан ўзига бirkитилган “Москвич-412” русумли, 25-49 СНН рақамли фургон енгил автомобилни ўт олдириб тун осийишталигини бузди. У бир неча кун муқаддам икки ҳамтовогчи билан жиноий тил бириктирган эди. Улар ана шу жирканч мақсадларини амалга ошириш ниятида Каттақўрғон туманидаги Орзи Маҳмудов номли жамоа хўжалигининг Чуббоз қишлоғи томон равона бўлишди. Хўжаликнинг 4-бригадасида истиқомат қилувчи Абдурасул Пирназаровнинг оғилхонасига яширин равишда киришди. У ердан 2 бош бузоқни олиб чиқиб, шериклари билан машинага ортиб жуфтакни ростлаб қолишди.

22 март куни Баҳодир Эшқувватов милиция бўлимига чақирилиб, унинг бошқарувида бўлган автомобилнаси кўздан

кечирилганда ичидан ўғирланган бузоқ рангига ўхшаш жуллар топилди. Шундан сўнг у шериклари билан жиноий ҳаракатларини яшириш мақсадида ўғирланган бузоқларни қўйиб юборадилар.



ЎРҒАНГАН кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, 1992 йил 24 сентябрга ўтар кечаси Баҳодир Эшқувватов ҳамтовоглари Раббим Жўраев ҳамда Зайни Норматовлар билан иккинчи жиноятга қўл урардилар. Бу гал улар Зайни бошқарувидаги автомобилнада олдиндан ўзаро келишилган ҳолда ўғирликларини амалга оширишга отланадилар.

Бунга қадар Баҳодир ўз ҳамқишлоғи ва дўсти Раббимни кўриб, унга Қозоқовул қишлоғидан қўй ўғирлашни таклиф қилганди.

Иш келишилгандек бошланди. Шу кун кеч соат 20 ларда Раббим Баҳодирларникига келди. Жиноий тил бириктирган икки шаввоз Баҳодирга бirkитилган “Москвич-412” русумли, 25-49 СНН рақамли автомобилнада Каттақўрғон туманидаги Раҳима Исломова номли жамоа хўжалиғи ҳудудида жойлашган паррандачилик фермаси томон йўл оладилар. Бу ерда уларини келишувга мувофиқ Зайни ўз автомобилда кутиб турарди.

Бу вақтда тун ярим кечадан оғиб қолганди. Баҳодир Зайнидан машинасини қўйларни ортишга қўлай жойга обориб қўйишни сўрайди. Сўнг ўзлари Каттақўрғон шаҳар йирик шоҳли молларни бўрдоқига боқиб комплексига қарашли 1-бўлим техникалар сақланадиган гараж қўйхонасидан шу ерда ишловчи

Имомов, Баҳром Усмоновлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, зўрлик, босқинчилик, қўрқитиш йўлига ўтадилар.

1993 йилнинг 19 март куни Баҳодир ўзининг олдиндан режалаштириб юрган учинчи жиноятини амалга оширишга киришади.

Унинг “ВАЗ-2106” русумли, давлат рақами бўлмаган машинасига Ҳасан, Ашир, Шерали, Равшан исмли ҳамтовоглари ўтиришади. Улар Баҳодир кўрсатган йўллар билан Нуробод туманидаги “Каттақўрғон” давлат хўжалигининг Нурдум қишлоғи яқинидаги Халоват сойлиғига қараб йўл оладилар. Манзилга етиб келишгач, спиртли ичимлик истеъмол қилиб эрталабгача фуқароларнинг далага қўй ҳайдаб чиқишини кутиб ётадилар.

20 март куни эрталаб, тахминан соат 7 ларда жиноий гуруҳ аъзолари Халоват сойлиғи яқинида Боймурод Абдуҳакимовнинг 300 бошга яқин қўй-қўзи ва эчкиларни боқиб юрганни кўрадилар. Айнан шуни кутиб турган жиноятчилар режаларини амалга оширишга киришадилар.

Баҳром билан Неъмат “ЗИЛ-130” русумли автомобилнасини сойлик ичига тушириб ўғирланадиган молларни ортишга ўнғай қилиб қўядилар.

Қолган шаввозлар эса Б. Абдуҳакимовнинг ёнига яқинлашиб, у-бу нарсани сўраган бўладилар, сўнггра Равшан Ҳакимов инсон асаб фаолиятига кучли таъсир қилиб, ҳушидан кеткизувчи газ баллончасини чўнтағидан олиб, чўпоннинг юзига сепади. Унинг таъсиридан ҳушини йўқотган Б. Абдуҳакимовни уриб-тепиб енгил тан жароҳати етказадилар. Баҳодир қўлида олиб юрган қора сим билан

Боймурод аканинг қўлларини боғлайди. Ёмғир ёғаётганига қарамасдан чўпонни улар ҳеч ким кўрмайдиган пастликка олиб бориб ташлашади.

Шундан сўнг жиноятчилар у боқиб юрган қўй-қўзи ва эчкилардан 100 га яқинини “ЗИЛ-130” машинасининг ёнига ҳайдаб боришади. 12 бош қўй, 14 бош қўзи ва 1 бош эчкини ортганда тепаликни кузатиб турган Равшан бир гуруҳ отлик одамлар келаётганлигини айтиб қолади.

Жиноятчилар воқеа жойидан яширинадилар. Аммо 3-4 километр юриб-юрмай автомобиллари лойга ботиб қолади. Қанча уринишмасин уни чиқариб олишнинг имкони бўлмайди. Улар машина юкхонасидан қўйларни тушириб ташлашга мажбур бўладилар. Баҳодир туширилган қўзилардан 3 тасини ўзининг енгил машинасига ортиб, машинани лойдан чиқаришга улов топиб келиш учун Каттақўрғон шаҳри томонга йўл олади.

Йўлда эса у Нуробод тумани Ички ишлар бўлими ходимларига дуч келади. Туман ИИБ бошлиғи Александр Ким бошлиқ милиция ходимларининг қонуний талабларига у итоат этмай ўтиб кетади. ИИБ ходимлари оғоҳлантирувчи ўқ отишади. Баҳодир бунга ҳам аҳамият бермай қочади. У Каттақўрғон шаҳрига қочиб келиб, опаси Насиба Омонованинг уйига яширинади. Бу ерда жиноятчилар уст-бошларини алмаштириб оладилар. Сўнггра машина ва қўзиларни шу ерда қолдириб, Санар Аллаев бошқарувида бўлган “Москвич-412” маркали шахсий таксида шерикларини қўтқариш учун воқеа жойига қайтиб бораётганда уларни милиция ходимлари қўлга оладилар. Бу пайтда уларнинг шериклари Неъмат, Баҳром, ва Баҳодирлар ҳам Нурдум қишлоғи фуқаролари томонидан

фуқароларнинг қўй-эчкиларини ҳайдаб чиқишди. Машина олдида турган Зайни ва Раббим билан уларни машинага ортишди. Шу пайт бир неча қўй қочиб кетди. Ўғирлар машинага ортилган қўйлар билан кифояланиб, Нуробод туманидаги Разоқ Жаҳонгирномли давлат хўжалиғида яшовчи, Баҳодирнинг таниши Урол Ҳамроевларникига йўл олишди.

Бу ерда Баҳодирни Уролнинг отаси Бурхон Муқимов ва акиси Юсуф Ҳамроевлар қарши оладилар. Баҳодир уларга яқинда тўй қилмоқчи эдик, ҳовлимизни ремонт қилаямиз, ремонт тугагунча қўйларимизни сизларникига омонатга қўйиб кетсак, кейинроқ келиб олиб кетамиз, деб ёлғон гапиради. Ота-бола унинг гапига ишонадилар. Молларни тушириш чоғида санаб кўришганида 44 бош қўй ва 2 бош эчки, жами 46 бош эканлиги маълум бўлди.

Орадан 20 кунлар ўтиб “уч оғайни ботирлар” яна ўша машинада Бурхон аканикига боришиб, қўйлардан 30 тасини Баҳодирнинг уйига олиб кетишади ва икки ҳафта давомида уларни бозорда пуллаб, тушган пулни учга тақсимлашади.

Шундай қилиб Баҳодир Эшқувватов, Раббим Жўраев Зайни Неъматовлар 95 бош қўй ва 2 бош эчкини яширин равишда ўғирлаб, бозорда сотишади.

ҚЎЗА КУПЛА ЭММС, КУНИЛА...

Учинчи жиноят

БАҲОДИР Эшқувватов ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Ҳасан Сидиқов, Неъмат Зувайдуллаев, Ашир Болиев, Шерали Розиков, Равшан Ҳакимов, Баҳодир

ушланиб, воқеа жойига етиб келган милиция ходимларига топширилган эди.

ОҚИБАТ: ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ХАЛҚИМИЗДА “қингир ишнинг қийғи, қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади”, деган мақол бор. Албатта, бу бежиз айтилмаган, негаки, қингир ишга қўл урган киши қачон бўлмасин сири ошкор бўлиб, халқ олдида шармандайи-шармисор бўлиб, ўз жазосини тортиши муқаррар.

Биз юқорида ҳикоя қилган “тунги шарпа” лар шу нақлга амал қилиш ўрнига, осонлик билан бойиб, енгил ҳаёт кечириб орасида эдилар. Аммо, ҳаёт улар ўйлаганчалик осон ва силлиқ кечмаслигини англаганларида анча кеч бўлган эди. Яъни, улар аллақачон “қора курси”га ўтириб улгуришганди.

АЗАМАТ БОЗОРОВ,

Нуробод туман ИИБ бошлиғи

ўринбасари, милиция майори.

Б. МАҲМУДОВ,

Ўзбекистон Журналистлар

уюшмасининг аъзоси.

Менинг ўрнимни босадиган бирор киши бўлганида эди, дарҳол уйга жўнардим. Лекин афсуски, ҳеч ким йўқ, пешонамни ушлайман, лекин қимирламай ўтираман, телефон тинмай жиринглайди, мен эса шахматчиға ўхшаб шахмат сипоҳларини сураман. Каримов, ҳозирча сенинг ҳудудингда осойишталик, ўз одамларингни тезда Махмудовнинг олдиға юбор, унинг иши кўпайиб қолди...

Чизиқлар нафақат туташгани, балки кўндалангига кесилгани учун ҳам қуюқ тўр ҳосил бўлган эдики, бу нарса “Крестча-ноллар”да биз очишимиз керак бўлган 18 ўғирликни ифодалар эди, бизларнинг ҳаммамиз текшириш билан банд бўлган ана шу ўғирликларнинг ҳаммаси (!) Иванов бошқарган поездини келиши билан мувофиқ келган эди.

Сўнг нима юз берди?.. 37-разъездға Толиб Ҳайитович тўғри кириб бормади. У чиндан ҳам балиқ овлаш учун яхши жойни қидирган эди. Тамадди қилишган лағмонхонада шоферни қолдирди, бир соатдан сўнг разъездға борасан, мен атрофни томоша қилиб, кейин бораман деди. Ўзи эса разъезд яқинидаги қишлоққа йўл олди. У йўлда бораркан, яна шунча йилдан сўнг бу ерда шаҳар пайдо бўлади деб ўйларди. Тўғриси ҳам шу. Ўзбекларда яхши удум бор: ўғил уйланганда келинни ота-онанинг уйига олиб кирмайди, хотини ва кейинчалик бола-чақаси билан қарияларни тикилинча қолдирмайди, буларнинг ҳаммасини олдиндан кўра билган ота ўғли ва унинг бўлажак оиласи учун уй куради. Ўғилнинг ўзи мамнуният билан лой қоради, уни сомон билан аралаштиради, гишт қуяди, деворни кўтаришда ердан беради. Ўзбек оилаларида болалар кўп бўлгани учун вақт ўтиши билан уйлар ҳам кўпаяди. Ана шу бир тўп ялангоёқ болаларға назар ташланг, яқин орада уларнинг ҳар бири учун уй қурилишини, уйларға уйлар улашиб, кўчалар пайдо бўлишини ҳали хаёлларига келтиришмайди. Демак, кўчалар шаҳарға пойдевор асаяди. Ҳа; ана шунча-шунча йилдан сўнг бу ерда шаҳар барпо бўлади.

Ҳозирча бу ер қишлоқ. Толиб Ҳайитович уйларға кўз қирини ташлаб борар, қузатувчанлик борасидаги маҳоратини намоян қиларди. Манаву қоп-қора, бир енга қийшайган уйнинг эгаси ҳаётда омади юришмаган, сўққабош киши, у боши оққан томонға кетиб қолган еки ҳозирча шу ерда кўкрагини захға бериб етган бўлса керак... Манаву ҳашамдор, кўркем уйға фақат мрамар устунлар етишмайди — энг катта бошлиқнинг уйи. Манаву уйнинг эгаси эса ҳаммани овқатлантирадиган ва ичирадиган кишининг уйи, ҳа-ҳа, ичирадиган: пиша идишлар солинган яшиқлар ана шунини кўрсатади. Мана бу уй эса... Тўхта.

Ана шу ерда Толиб Ҳайитович тўхтади. Аввалгига омборхонанинг томи яши тўсин билан епилангига аҳамият берди, сўнг ана шу тўсиннинг яна бир уюмини кўрди. Сўнгра кўча эшигини итарди. Тақиллатди — ҳеч ким эшитмади. Қўнғироқ тугмачасини босди — ҳеч ким кўринмади. Эҳтимол, занжирдаги ит тинмай ақиллаб тургани учун ҳеч ким эшитмагандир. Тақиллатиб, қўнғироқ қилиб ҳеч нарсаға эриша олмагач, аччиқланиб ерга туپурди ва тўғри навбатчилар хонасига йўл олди. Шофер бир соатдан кейин, тўғрироғи, энди ярим соатдан кейин машинани шу ерга олиб келиши керак.

Навбатчилар хонасини эмас, ҳашиаматли идорани кўрди. Басавлат муассаса. Албатта, бу ерда шаҳар пайдо бўлади, ана шу ердаёқ унга асос солинмоқда... Кирган эди — ҳеч ким йўқ. Атрофға назар ташлади — кўзи столдаги оқ қалпоқчали ҳаворанг авторучкаға тушди. Кутиб ўтирди. Чамаси, тушлик қилгани кетишганға ўхшайди. Ўтириб, мулоҳаза юритди. Бизда ҳамма нарса шу тариқа шишиб кетади. Илгарилари битта ўриндиқли будка ва унда якка-

елғиз бекат назоратчиси бўлган бўлса, унинг ўрнида ҳозир баҳайбат уй. Тўртта хонадан иборат. Ута замонавий, электрга уланадиган ёзув машинкаси. Қизиқ, унда котиба-машинистка қандайдир фармойишлардан ташқари яна нималарни ҳам чоп этарди; унга бошлиқ учун чой дамлаш ва ўзини кўз-кўз қилишдан, бошқа иш ҳам йўқ. Темир сандиқ, қандайдир қорозлар солинган семиз қороз папкалар билан тўла жавон... Чамаси собиқ бекат назоратчиси, эндиликда бошлиқ ихтиёрида анча-мунча ходимлар ҳам бор кўринади. Эҳтимол, ўринбосарлари ҳам бўлса керак: кадрлар бўйича, маиний ишлар бўйича... Бухгалтерия — усиз ҳеч иложи йўқ...

Идора ниҳоят одамлар билан тўла бошлади. Ёнгилгина саломлашиб, котиба қизча ҳам ўз ўрнини эгаллади, тирноқларини кўздан кечирди ва ўзининг иш билан ғоятда бандлигини кўрсатиш мақсадида иштиёқ билан машинкани тақиллата бошлади.

Меҳмон ҳазиллашмоқчи бўлди, унинг енига келди, ўзининг яхши ёзадиган авторучкасини худди

кўзлари силовсиннигиға ўхшаб енарни.

Бу ерда чойхўрлик қилинмади: тезкор ходимлар машиналарда етиб келишди ва ишлар қизгин тус олди. Ишни Умаровнинг уйдан бошлашди, кейин қолган уйлар ҳам четда қолмади, уларни уй соҳибларига керак ҳам бўлмаган, лекин барибир ўмаришган нарсалар билан тўлган омборлар дейсиз. Печкаға ўқувчиларнинг чизгичларини қалашган. Жин урсин уларни, шаҳарча эмас, канахона дейсиз. Ҳаммасининг тили бир ва ҳаммаси ўғри. Бу шаҳарчани бўльдозер ердамида бир текис қилиш керак, фақат назоратчининг будкаси қолсин, поездлар ҳам бу ердан тўхтамасдан ўтишсин...

— Ана шундай, — деб ҳикоясини тутатди Антон Мардонович, — арзимаган иш бўлиб кўринган эди — бир зарб билан ўғирликларға тааллуқли 18 ишни очиб ташладик. Фикрингизча, ҳаммасими бу? Йўқ. Иш олға силжиб кетди. 37-разъездда поездини тўхтатгани учун Иванов арзимаган пул олиб, аслини олганда ҳеч таваккал иш қилмаган. Бекатлар оралигида тезликни

ишларни яхши кўрадиган кишиларни ўзига жалб этмоқда. Ана шу ўйинни такомиллаштирганлар, ҳар хил ҳийлаларни ўйлаб топганлар, мураккаб алоқаларни жорий этганлар. Шундай бўлса-да, улар кўлга тушганлар.

Милиция гиеҳвандлик моддалари ташилишиға қандай қилиб барҳам бера олаётганидан таажжубланиш мумкин, лекин бу факт: бунга кўпинча муваффақ бўлишяпти. Қандай усуллар ердамида? Бунга тапиришнинг мавриди эмас. Ҳар кимнинг ўз сирлари бўлади. Афюн олиб кетаётган одам уни совун бўлагига, совунни гуруч ичига яширсин, гуручни донға, донни ёнгоқ билан аралаштирсин, барибир, бу гал бўлмаса, кейинги гал кўлга тушади. Бу муқаррар, чунки ана шу захри қотил ташилаётган экан, милиция ҳеч қачон ором олмайди. Тутувчининг баъзи бир сирлари ўқувчиға маълум: махсус ўргатилган қидирув итларидан фойдаланилади. Улар ҳатто темир кути ичидаги афюннинг ҳам ҳидини биладилар. Лекин биз ҳикоя қилаётган даврда на қидирув итлари, на тажриба бўлган.

Абдулла ИСМОИЛОВ

БУХОРОНИНГ АСИЛ ЙИГИТЛАРИ

ҚИССА

термометр каби силкипти, ручкаси ёзмайганлиги, унинг эса икки оғизгина жумла езиши жуда кераклиги ҳусусида елгонни қотирди. Котиба кўзини машинкадан олмай, тортмани ўзига тортди, у ердан ручка олиб узатаркан деди: “Буниси ёзди. Ҳамдам Умарович ҳозир келадилар, сизға айтдимку ахир. Бизда тушлик вақти”. Меҳмон ювошгина “ҳа-ҳа” деб, ручкаға қаради ва уни сурбетлик билан орден планкалари устидаги чўнтакка солиб қўйди.

Ниҳоят, Ҳамдам Умарович ҳам кўринди. “Мени кутяписизми? Нима хизматингиз бор?”

— Лаънати ручка... ёзмайпти. Сизникини олсам майлими? Умаров стаканчадан битта ручкани олди, ёзиб кўрди — столға қўйди, иккинчисини ҳам шундай қилди, учинчисини меҳмонға узатди. Меҳмон ёзиб ўтирмади, фақат ручкаға тикилди.

Умаровнинг кўлларига қаради. Улар асабий титтарди. Йўқ, бу ичкиликдан эмас. Титроқ майли, Ҳайитов бошқа нарсаға эътиборини қаратди: қатрон доғини қанчалик ишқаламанг, унга керосин билан қанчалик ишлов берманг, барибир доғ бўлиб қолади, сезилиб туради.

— Хизмат? — Шикоят билан келдим. Ер олиб, уй қурапман. Уй битди-я, ҳаммомға илож бўлмади. Биттаси билан таппашдим, у менга тўсинбоп ёғоч ваъда қилди, бай пулини олди, бироқ олиб бермади, келиб қарасам, ишлар бошқача...

— Чамаси, мен олғирлик қилибман, — Умаровнинг кўнгли жойига тушди. Юрагидаги тош эригандек бўлди. Чашға кетаётган шофердан ундирибди — нима бўпти? — Менинг уйимни қандай қилиб топдингиз, топқирлигингизға қойилман, ахир, сиз бу ерга биринчи марта келяпсиз шекилли?

— Ҳа, энди, шунақамиз-да. Демак, менга олиб бораётган нарсани йўлда...

— Омадға боғлиқ-да. — Албатта. Яна бир нарсадан ранжидим. Ручкам ёзмай қўйди.

— Бунақа ручкалар киоскаларнинг ҳаммасида тикилиб етибди...

— Разъедингизда бор-йўти иккита киоска бор. Унисидан ҳам, бунисидан ҳам сўрадим — мендагига ўхшагани йўқ. Бўлмаган ҳам. Сизнинг ручкангиз эса ёзапти. Бу ручкани қардан олгансиз?

Жим-житлик чўкди. Умаровнинг

ошириш ҳисобига ортиқча вақтға эга бўлган, тўхташ ўзини оқлаган ҳам: вагонлардан ўмаришётган пайтда поезд бригадаси гилдиракнинг гулпагини алмаштирган еки яна бирор иш билан шуғулланган, шундай қилишганки, уларға ҳеч нарсани даъво қилиб бўлмайди. Ўғирлар Ивановға фақат тўхтагани учун ҳақ тўлашган. Бири узатаётганини, иккинчисини олаётганини ҳеч ким кўрмаган. Лекин Ҳайитовнинг сигнали асосида Қозоғистонда ҳам поездлар ҳаракатининг жадвали ўрганилди, маълум бўлишча, у ерда ҳам поездлар тўхтаган; вагонлардагини ўмаришмаганда, цистерналарға елиштишган: еқилгини, спиртни челақларда ташиб олишган...

Иш жуда доврўкли бўлди. Биз учун эса оддий иш. Крестчаларнинг устиға ноллар чиздик, ана шу вақт ичида бошқа ноллар қанча бўлганини қузатдик ва ана тезкор фаолият...

ЭНГ ДАҲШАТЛИ КУЛФАТ

ТЕМИР ЙЎЛ ички ишлар бўлими бошлигининг иккинчи ўринбосари ... Сталин.

Мени кечирасизу, Эргаш Саидович, сизни орқаворотдан ҳеч ким бошқача атамайди. Киши билан шундоқ кулфат ҳам юз беради-да. Трубкадан чекмайди, замонавий кийинади, бехосдан кўлини пиджақ чўнтагига солмаслик мақсадида ўзининг ҳар бир ҳаракатини қузатади, юришда ҳам қадамини ўйлаб босади, — барибир Сталинға, бизга кинолардан жуда таниш бўлган кишиға жуда ўхшаб кетади. Кўзни қисиб туриб тикилиб қарашни ўзгартириб бўлмайди. Мўйловни ҳам. Саидов ўзини мўйловсиз тасаввур қила олмайди.

Хуллас, айни Эргаш Саидович Бухоро темир йўл милициясининг гиеҳвандлик моддалари ташилишининг олдини олиш мақсадида иш бошлагани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Чиндан ҳам, бу — ишнинг бошланиши холос. Афюн ташувчи билан уни ушловчининг қарама-қарши туриши йиллар ўтган сари шиддат билан ўзгариб боради, гиеҳвандлик моддаларининг нархи атиги бир неча йил ичида юзларча, сўнгра мингларча баробар ошади. Бундай молнинг ўлчами кичик, яшириш осон, унинг нархи беқиёс катталиги эса ноинсоф, қалтис

Ҳолбуки, гиеҳвандлик моддалари аллақачондан бери ташилаётган эди, зеро серқуеш ўлкамизда, афсуски, захар таркатувчи ўсимликлар ҳам бисёр. Ўшанда нашафурушларни тутшининг деярли бирдан-бир усули интуиция, шубҳали шахсининг ҳар бир ҳаракатини жуда диққат билан қузатиш эди: овози қандай титради, қараганида нимадир ялт этди...

Бизнинг суҳбатимиз шундай бошланди ва шу билан якунланди. Телефон жиринглаб — қолди. Суҳбатдошимнинг юзида ташвиш кўринди, жиддийлик билан: “Кетяпман” деди-да, мени ҳам унутиб жўнади.

Биз фақат икки кундан сўнг учрашдик. Мен узилиб қолган суҳбатға қайтишға уриниб кўрдим, лекин муваффақ бўлмадим, Эргаш Саидовичнинг хаёли бошқа нарса билан банд эди. Лекин мен унга очиқчасига Толиб Ҳайитович ҳақида кўпроқ нарса билмоқчи эдим, у ҳақда ёзаяпман деганимда Саидовнинг чехраси очилди, мўйловини силаб қўйди. Бамисоли Ҳайитов ҳақида эмас, балки унинг ўзи ҳақида дoston ёзаётганимдек эди. Суҳбатимиз яна давом этди.

— Толиб Ҳайитовични негадир у ерда хуш кўришмайди, — деб бармоғини юқорига кўтарди. Шу захотиёқ менга аччиқлангандек тикилиб қаради. Нимаға оғзингиз қулоғингизға чиқиб кетди, еки сиз шундай яхши кишини қардадир нохуш қабул қилишлари мумкинлигиа ишонайсизми? Йўқ, кечирасиз... мен бунга аллақачон эшитганман. Бунинг устиға, айнан шундай сўзларини.

— Нимаға дейсизми? Уша нарсаға. Ва бошқа нарсаға. Энди тушуниб етишимча, учинчи нарсаға ҳам. Айни шу нарса ҳақида гапирмоқчиман. Бошлигим ва қадрдон дўстим пайдо бўлган жойда, албатта, портлайдиган вазият юзаға келади, шундан сўнг нохуш вазият ҳусусидаги хулоса пайдо бўлади, бошлиқлар эса бунга еқтиришмайди. Улар ҳамма нарса яхши, ишларимиз жойида деб мақтанишни хуш кўрадилар. Гўе ҳеч қандай муаммо йўқ. Ҳайитов эса, агар уни бирор жойға назоратсиз юборсангиз, албатта, ҳамма нарса бўяб кўрсатилган, “манзара”ни бузиб юборадиган бирор нарсаға дуч келади, ногоҳ бизнинг ишларимизнинг ҳаммаси

яхшимаслиги, аксинча эканлиги кўзға ташланиб қолади...

У ўз меҳнат таътилини Қрим еки Кавказда, мовий денгиз бўйида ўтказишдан қатъий тарзда воз кечиб келади, бу борадаги қанчалик кўндиришларимиз, курорт ерларни мақташларимиз бекор кетади. Толиб Ҳайитович эса дунёда Бухородан яхшироқ шаҳар йўқ, қадимий зиератгоҳларни тавоф қилиш учун жуда олислардан зиератчилар келишади, ҳавоси ҳам, қовунари ҳам ғоятда ажойиб дейди. Ана шуларнинг ҳаммасини ташлаб, бунга ўхшаш ҳеч нарсаси йўқ жойларға бориш учун тентак бўлиш керак: денгизи бўлса нима бўпти?

Ваҳоланки, мен унинг зиератгоҳлардан фақат Баҳовуддин Нақшбанд дафни этилган мақбарагига борганлигини биламан. Ўрта асрларда пайдо бўлган дарвешлик маслагининг асосчиси буюк мутафаккир ва файласуф, адиб ва маърифатпарварнинг таваллудига 675 йил тўлган паллада бу ерга жуда кўп зиератчилар келишди. Толиб Ҳайитович ҳам қатордан четда қолмади. Бори шу. Қолган вақтда эса уни уйдан топасиз.

Меҳнат таътилиға чиққан пайтда бир ҳафта ишға чиқмай дам олса яхши-я, лекин таътилининг эртасигаёқ идораға келиб олиши ҳам мумкин. Албатта, тўсатдан, соат 12 ларға кириб келади, пўрим кийинган. Ҳамма билан ҳол-аҳвол сўрашиб чиқади, бамайилхотир айланади. Лекин, албатта сўрайди: “Хўш, менсиз қийналмаяпсизларми?..” Агар кимдир фалон нарса кўнғилдагидек бўлмаяпти деб қолсами, отахон ўша захоти таътилини унутиб юборади, ишларимизға шўнғиб кетади, иш-у ташвишларимиз, албатта, етарли.

Лекин уни дам олишға бир амаллаб юборган ҳолларимиз бўлган. Марказда ўтадиган кенгашларға, курсларға юборганмиз. Ҳеч бўлмаганда дам олиб келар деб ўйлаганмиз. Бўлмагур хаёл. Унинг сафари тинчгина тузаганлигини ҳеч хотирлай олмайман.

Гашни у ўзининг купесига фақат ухлашдан, кун бўйи эса умумий вагонда бўлишдан бошлаш керак. У иложи борича кўпроқ кўрсам, кўпроқ эшитсам дейди. Поездларда эса, маълумки, кишиларнинг жағи тинмайди, нималарни эшитмайсан у ерда.

Шундай воқеа юз берган эди. Отахомимиз купеда кетаётган эди. Икки ўринли купе, одами уринтирмайдиган ҳолат. Бундай жойлар “муҳтарам зотлар” учун мўлжалланади ва қаттиқ брон қилинади. Отахон ярим йўлга етганида купеда иккинчи йўловчи пайдо бўлиб қолди. Танишиб олишди, сўнг суҳбатлаша бошлади. Бошлиғимиз жой брон қилинадиган қандай катта бошлиқсан деб қизиқсинганда, купедош кўшни Фернанделға ўхшаб кулимсираб, сўзсиз бармоқларини қисирлатган. Ўз навбатида: “Ўтирган диванчангиз учун қанча соққа тўлагансиз?”, деб сўраган. Жавобни эшитмасданок (отахомимиз кассада чинта қанча туришини ҳам билмасди, зеро у бепул сафар қиларди-да), ўзи жавоб берган: менинг ўзим ўн беш баравар тўлаганман. Нега ўн беш баравар, ўн еки ҳеч бўлмаганда беш баравар эмас? Омилқорлик билан изоҳ беради: шунақа мезон белгиланган. Беш баравар тўласанг ўтирмасдан кетсан, ўн баравар тўласанг — ўтирасан, ким бундан ҳам ошириб тўласа — ҳамма қулайликларға эга бўлади. Яна Фернанделға ўхшаган табассум, оғзини кенг очиб илжайиш.

Бошқа бир ҳодиса. Яна отахомимиз поездда кетмоқда. Кейинги бекатдаёқ бизға қўнғироқ қилади. Маълум бўлишча, ялписига юлғичлик авж олиб кетибди. Кассаларға чиройли қилиб “жой йўқ” деб ёзилган лавҳалар осиб қўйилган, поездға чиқишининг иложи йўқ, лекин кейинги бекатдаёқ одамлар Қишқи саройини штурм қилгандек поездларға окулдилар, вагон қузатувчиларининг кўни-кўнжи пулга тўлади.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши 45-46, 49-50 сонларда).

ЗАНДОРН ЭКРАНДА

Душанба, 18

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Кўгирчоқлар — менинг дўстларим".
18.40 "Тановар"лар кечаси. Фаргона мусиқа билим юрти талабалари ижросида.
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 "Футбол шарҳи". Жаҳон чемпионати яқунларига бағишланади.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Гулбаҳор Эрқулова куйлайди.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "БИР ЎЛКАКИ..."
22.45 "Актёрлар ва роллар". А. Гофуров.
24.00 — 00.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Бу бўстон аро..."
20.20 "Саломатлик — туман бойлик".
20.50 "Ўсмир ва ёз".
21.35 — 00.10 "Инсонни ардоқланг". Бадий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.15 Душанба куни детектив. "Звезды Запада" саргузаштлари. Бадий фильм. "Эрхоль Пуаро" сериалидан.
19.15 "Хеч ким унутилмади".

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 ФУТБОЛ БУЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. ФИНАЛ.
22.30 "Теварак атрофимиздаги доридармонлар". Телефильм.
22.55 — 23.05 "Тафсилотлар".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 Спорт шарҳи.
21.05 "Мухаббат..." В. Вульф ҳикоя қилади.
21.50 "Спорт уик-энди".
22.05 — 22.55 "Оқ ва қора". Кўрсатувни М. Таривердиев олиб боради.

Сешанба, 19

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Қора чағалай". Бадий фильм.
10.05 "Абитуриент-94". Киме.
10.35 "Қадирғоч". Фильм-концерт.
11.05 "Абитуриент-94". География.
11.35 Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўздат Жуманиёзов куйлайди.
12.15 Алифбо сабоқлари.
12.45 — 13.15 "Ёшлик" студияси.
"Малика монолоғи".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Армонли дунё..."
19.00 "Галла — ризқ-рўзимиз".
19.25 Ёлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ёлонлар.
19.55 Мусикий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 "Биз танлаган йўл". Нарпай туманидаги Бобур номидаги ширкатлар бирлашмаси фаолиятдан.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёлонлар.
21.30 "Яхши кайфият". Мусикий дам олиш дастури.
22.25 "Ўзбекистон" ахбороти.
22.50—00.10 "Марду майдон". Наманган вилоятдан кўрсатув.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Мультифайерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
21.00 Видеоид.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Совга".
9.30 "Хар соҳадан бир шингил".
9.35 Ёлонлар.

9.40 Видео — "О".

11.20 Ёлонлар.

11.25 "Курьер".

11.40 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.

12.00 "Хар соҳадан бир шингил".

12.15 Ёлонлар.

12.20 "4/8". Мусикий кўрсатув.

12.40 "Даракчи".

12.50 Ёлонлар.

13.00—15.00 Видео — "О".

18.00 — 20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Телеэкранда премьераси. "Улфат эркаклар". Бадий фильм.
21.30 "Қутқариш хизмати 911".

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.45 "Тренер". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".

18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.

18.55 "Мавзу".

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилар.

20.30 "Илк манбадан".

20.40 "Тирикларни чорлайман".

Галабининг 50 йиллигига. "Буюк бурилиш". Бадий фильм.

22.45 — 22.55 "Матбуот-экспресс".

Чоршанба, 20

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Хаёт учун хавфли". Бадий фильм.

10.00 "Абитуриент-94". Математика.

10.30 "Ёшлик" студияси. "Шижоат".

11.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

11.25 "Абитуриент-94". Ўзбек тили ва адабиети.

11.55 Ўзбекистон Давлат филармонияси уйғур ансамблининг концерти.

12.25 — 13.30 ЎзТВ хазинасидан. "Қизилқарни учрашувлар". Воҳид Кодиров.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Кичкинтой" студияси. "Ойбола".

18.30 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".

19.05 "Фармон ва ижро".

19.25 Ёлонлар.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 Ёлонлар.

19.55 "Осойишталик посбонлари".

Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 "Ўзбекна лутф".

20.55 Ёлонлар.

21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 Ёлонлар.

21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЁР!" ЭКРАНДА — БУХОРО ВИЛОЯТИ.

22.30 "АНОР" саҳифаларида.

23.20 "Қишлоқ ҳаёти".

00.10 — 00.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 "Спринг".

20.10 "02" тўлкинида.

20.35 "Экология ва тиббиёт".

21.05 "Тошкент: шахар юмушлари".

22.05 "Қардошлик оиласида".

22.55 — 00.30 "Ёдгорлик". Бадий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.35 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 Видеошеърят. Равиль Бухараев.
21.00 "Олтинчи хиссиёт".
21.30 Сиекат майдонида.
22.20 Криминал хабарлар экран.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30—23.50 Галабининг 50 йиллигига. "Қил устида". Бадий фильм. I-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".

18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.

18.55 "Кинопанорама".

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилар.

20.30 "Монолог".

20.40 "Шоу-жанг". Бадий фильм.

22.20 "Арт-курьер".

22.50 — 23.00 "Матбуот-экспресс".

Пайшанба, 21

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Ой камалаги". Бадий фильм.

9.55 "Абитуриент-94". Биология.

10.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

10.40 "Томоша". Фильм-концерт.

11.10 "Абитуриент-94". Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

11.40 "Қишлоқ стадионларида".

12.05 "Хаёт гулшани".

12.45 — 13.25 "Мухаббатга ошифта кўнги". Кинокўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 Болалар учун фильм. "Қизил қор экканда".

19.25 Ёлонлар.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 Ёлонлар.

19.55 "Нахшлар бўстони". Телефильм.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 "Созимда севги васфи". Концерт.

20.55 Ёлонлар.

21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 Ёлонлар.

21.30 "ПИЛЛА — БОЙЛИГИМИЗ".

Республика пиллакорларининг меҳнат галабасига бағишланган кўрсатув ва концерт.

23.00 "Ҳиллол" студияси. "Тилсим".

23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Омад" тақвими.

20.00 "Жозеба".

20.20 "Бир шингил хангома".

20.30 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".

20.50 Видео янгиларлари.

21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.

22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм.

20.45 "Ўз-Ўзига режиссер".

21.15 "Пан Володиевский". Бадий фильм. I-серия.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 23.55 "Қил устида". Бадий фильм. 2-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".

18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.

18.55 "Александр Ширвиндтнинг шахсий ҳаёти". Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилар.

20.30 "Москва — Кремль".

20.50 "Туппа-тўғри юракка". Бадий фильм (Италия).

22.50 — 23.00 "Матбуот-экспресс".

Жума, 22

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Дала ҳовли". Бадий фильм.

9.55 "Абитуриент-94". Физика.

10.25 "Олмадон Хайитова куйлайди".

Фильм-концерт.

11.05 "Абитуриент-94". Тарих.

11.35 "Осиё ўйинлари олдидан".

12.00—12.30 "Дўстлик тароналари".

Хор куйларидан концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати.

18.55 "Меҳр". Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан.

19.25 Ёлонлар.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 Ёлонлар.

19.55 "Кулол Раим бобо". Телефильм.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 "Тановар" ансамблининг концерти.

20.55 Ёлонлар.

21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 Ёлонлар.

21.30 "Олий таълим — янгиланиш йўлида". Бевосита мулоқот.

22.25 "Кино, кино, кино..."

23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 "Ҳалқа". Телефильм.

20.00 "Хуқуқ ҳимоячилари".

20.40 "Иқтисодий ислохотлар йўлида".

21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 "Тошкент оқшомлари".

22.25 — 23.55 "Яланғоч аёл". Бадий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм.

20.45 Фильм премьераси.

Азамат Отакулович ҒАФУРОВ



Шафқатсиз ўлим ҳамкасбимиз, қадрдон дўстимиз Бухоро ва Навоий вилояти ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги Ғафуров Азамат Отакуловични 49 ёшида ораминдан олиб кетди.

А. Ғафуров 1945 йилда Қизилтепа тумани "Бўстон" қишлоғида туғилди. 1962 йилда ўрта мактабни тугатган, Армия сафида ўз бурчини ўтаб қайтди. 1965-1970 йилларда Бухоро давлат педагогика институтини битириб Ички ишлар идораларига хизматга келди. Оқдид инспекторликдан то раҳбарлик лавозимларигача кўтарилиб хизмат қилди. 1981-1983 йилларда Афғонистон жангларида қатнашди.

1984-1986 йилларда ИИБ Академиясини тугатди. Бениқсон хизматлари учун "Милиция аълочилиги" кўрак нишони, "Ғалабининг 30 йиллиги" медаллари билан тақдирланди.

Афсуски, бешафқат ўлим азиз ҳамкасбимизни ораминдан бевақт олиб кетди. Унинг юрагида ҳали ушланмаган орзулари, амалга ошмаган режалари кўп эди. Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ғафуров Азамат Отакуловичнинг бевақт вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамда қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Ғафуровнинг порлоқ сиймоси, ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

● ШУ ЙИЛНИНГ 22 май куни 1957 йилда туғилган Эрқоб Самадовнинг изсиз йўқолиб қолганлиги маълум бўлиб қолди. Сирдарё вилояти, Сайхунбод тумани Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан у 2 июнь куни Тошкент вилоятининг Куйичирчиқ туманидан топилди. Маълум бўлишича, Э. Самадов турмуш ўртоғи билан уришиб қолиб, "дока рўмол"нинг қуришини ҳам кутмасдан уйдан бош олиб чиқиб кетган экан.

● ЖИЗЗАХЛИК М. Бахромов Жиззах шаҳар ИИБ ходимларини роппа-роса етти кун овера қилди. У 9 июнь куни уйдагиларга лом-мим демасдан чиқиб кетган экан. Милиция ходимлари уни 16 июнь куни Самарқанд шаҳридан топиб келишди.

ЖИЗЗАХ*** вилояти, Зарбдор



Рухнинг камолоти менда бўлмади. Нафсим қолиб қолди, руҳим қулмади. Нафс йўлига юриб, қанча йўлсам ҳам, Яна кам кўринди, кўнглим тўлмади.

Ақлим таниб, ўзини гуноҳга ўрдим. Тинчлик бир ён қолиб, оҳ-воҳга ўрдим. Оқибат не бўлар — ўйламадим ҳеч, Билиб туриб ўтди боргоҳга ўрдим.

Сийратим бор, нафсга ул қул бўлғуси, Охир-оқибатда хок — қул бўлғуси.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАННИНГ ТАҚДИРИ

тумани ИИБ томонидан қидирилатганлар қаторига 6 июнь куни яна икки қиз қўшилди. Улар 1978 ва 1979 йилларда туғилган С. Хўжаева ва М.Ражабқуловлар эди. Қизлар 6 кундан бери Сирдарё вилояти, Ш. Рашидов туманидаги қариндошлариникида меҳмонда эканлар.

Бўйлари чўзилиб қолган қизиналар бу ҳақда уйдагиларга бир оғиз билдириб ҳам қўйишмабди.

● 16 ЁШЛИ Ш. Абдиев 9 апрель куни бедарак йўқолиб қолди. Ҳамма ҳайрон, эс-хушини таниган йигит қаёққа гойиб бўлиши мумкин? Самарқанд

вилояти, Қўшрабод тумани ИИБ ходимлари уни икки ойдан ошқ қидиришди ва ниҳоят 13 июнь куни дарагини топишди. Ш. Абдиевнинг кўнгли сайёҳликни тусаб, Тошкентга от солган экан.

● 9 АПРЕЛЬ куни Наманган тўқимачилик техникуми II-босқич талабаси 16 ёшли Дониёр Қирғизбоев ҳам изига сув қуйган. Дониёрбек ётоқхонада яшовчи мактабдош ўртоқларини "зиёрат" қилиш учун Тошкентга келган ва ялло қилиб юраверган. Ўртоқлари ҳам ўзига ўхшаган шекилли, икки ой меҳмонни меҳмон қилишибдию, шўрлик ота-онасининг ўғилни излаб қолишлари мумкинлигини

хаёлларига ҳам келтиришмабди. 8 июнь куни Наманган шаҳар, Советобод тумани ИИБ ходимлари уни ота-онаси бағрига қайтаришди.

● 19 ЁШЛИ Дилбар Саидова 21 апрелдан буён ота-она, қариндош-уруғ ва осойишталик посбонларини ташвишга қўйди. Эллик тўққиз кундан сўнг навоийлик милиция ходимлари Дилбархонни Тошкентдан топишди. У уйдагилар билан жанжаллашиб қолиб, араз отига минган ва уйдан этагини қоқиб чиқиб кетган экан.

Тўра САРИБОЕВ, милиция майори.

Ҳамкасбларимиз ижодидан

СИЙРАТИМ БОР, НАФСГА УЛ ҚУЛ БЎЛҒУСИ...

Нормурод АЛИҚУЛОВ — милиция капитани, Китоб тумани Ички ишлар бўлимида участка вакили бўлиб ишлайди. Шеър ёзишга иштиёқи баланд. Унинг қўйида берилаётган тўртликларидеги фалсафий руҳ, маънавий, кучли фикр сизни эътиборсиз қолдирмайди, деган умиддамиз.

ТЎРТЛИКЛАР

Илоҳим, руҳимни инсимишга шоҳ, қил, Шундан сўнг очилиб, қул гўл бўлғуси.

Тоат-ибодатдан шаробини, дўстлар, Англасдан дом, дом пеш билдим. Саломатлик кетди, тишлар тўқилди, Ҳеч фойда кўрмадим, лекин кеч билдим.

Бу дунё абадий очилиб турар, Одамзот вақтинча ризқ териб юрар. Умринг тугаганини кўтиб эшикда, Ажал пойлаб турар, оҳ, қулиб турар.

ХАНДАЛАР

— Омонтойни ўн йилга қамабди.
— Нега?
— Хотинини ташлабди.
— Мен ҳам хотинимни ташлаганман. Шунга ўн йил беришадими?
— Э, у хотинини тўққизинчи қаватдан ташлаган-да.

— Шу десанг, олис-олис жойларга саёҳат қилишни орзу қиламан. Оврупа бўйлаб саёҳат қанча тураркан-а?
— Ҳеч қанча.
— Қанақасига?
— Бемалол пулсиз ҳам орзу қилиш мумкин.


— Нима қилсам экан-а? Қўшним қарз сўрапти. Берсаммикин ё бермасаммикин?
— Албатта беринг. Сиз қарз бермасангиз, мендан сўрайди.

Х. ТОШПҲЛАТОВ тайёрлаган.

Бошқотирма

Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очкиччи ҳал этинг.

Очкич:
1. Ёзувчи Тоҳир Малик қиссаси — 13, 2, 17, 18, 2, 3, 2, 18.
2. Атрофи девор билан ўралган



ҳовли-жой — 20, 19, 10, 2.
3. Бисот сақлаш учун фойдаланиладиган рўзгор буюми — 15, 2, 3, 16, 6, 20.
4. Яхшидан бог қолади, ёмондан 16, 5, 11.
5. Ўзбекистондаги тарихий шаҳар — 14, 1, 4, 5, 10, 5.
6. Мол-дунё, бойлик — 12, 1, 7, 9.
7. Заём, лотерея ўйинларида қўлга киритиладиган нарсаси — 8, 18, 1, 20.

Энди шаклдаги рақамларни очкич жавобларидаги тегишли ҳарфлар билан айлантириб, муаммонани ҳал этинг. Бунда ҳоразмлик олим ва шоир Замаҳшарийнинг икки мисра хикмати сўзи аён бўлади. Сўзлар "илон изи" йўналиши бўйича ўқилади.

Ҳозирлик ОРИПОВ тузган.
Газетамизнинг
51-52-сонидан чоп этилган
бошқотирманинг жавоблари:

Очкич: 1. Виждон. 2. Нафақа. 3. Чанг. 4. Бож. 5. Тўн. 6. Гул. Хикмат: Жанг ва фитнадан қочувчи бўл.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ИИББ томонидан Тошкент шаҳрида туғилган ва Юнусобод туманидаги Лутфий кўчасида яшовчи, Тошкент Давлат университетининг тарих кулети 4-босқич талабаси Азиз Олғович ТОШХЎЖАЕВ қидирилмоқда. У 1994 йилнинг июнь ойида бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 180 см., ўртача гавдали, сочлари қора, тўғри, кўзлари жигарранг, қулоқлари бироз осилган.

Кийими: эғнида қизил шойи кўйлак ва қора шим бўлган.

А.Тошхўжаевнинг қардалигидан бохабар фуқаролардан бу ҳақда яқин ердаги милиция бўлимига еки "02"

Қўшқўпир тумани Ички ишлар бўлими ва қариндошлари томонидан 1982 йилда Қўшқўпир туманидаги Хадра қишлоғида туғилган, Қўшқўпир шаҳар, Ш. Рашидов кўчаси, 1-корпус, 1-хонадонда яшайдиган Дилдора Юсупбековна НИЕЗОВА қидирилмоқда. У шу йилнинг 14 май куни соат ўнларда Қўшқўпир тумани "Незогос" жамоа хўжалигининг 16-бригадасида яшовчи бувиси Дармонжон Отажонованинг уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 100-110 см. атрофида, сочи калта қилиб қирқилган ва қорамтир сарғиш



рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

ранг, кўзлари кўкиш, қошлари сийрак, ейсимон ва сариқ ранг.

Кийими: эғнида оқ рангли эски кофта, кўк юбка, оёғида қўнғир тусли кроссовка бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг еки чап қошининг устида нуқта шаклидаги бир донна холи бор.

Д. Ниезованинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлган фуқаролардан бу ҳақда 92-146, 92-259, 91-473 рақамли еки "02" рақамли телефонлар орқали қариндошлари ва энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ЭЪЛОНЛАР

1993 йилда Тошкент шаҳридаги 45-мактаб томонидан Рихсидов Зоҳидович МУМИНОВ номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат;

1994 йилда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги 16-мактаб томонидан Шоира Абеновна РАҲМОНОВА номига берилган А 445409 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Э. Ж. Икромовга отаси

Жумабой ИКРОМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлемалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.

Буюртма Г — 1060

Ҳажми — 2 босма табоқ.

Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Обуна рақами — 64615.
39.934 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий
бўлим — 59-21-21.